

Oila va jamiyat

№ 12 (1415)
27-MART
2019-yil

Gazeta 1991-yil 1-sentabrdan chiqa boshlagan

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

@oilavajamiyatgazetasi_bot

– Тиз чўкиб кечирим сўра десалар ҳам, розиман, опа-жон! Фақат... фақат бир ўтинчим ажрашмайлик, дегандим... Ажрашишга... қандай кўнаман?!.

GUNOHNING TOVONINI KIM TO'LAYDI?

Уриш-яраш, уриш-яраш билан умр йилларини ортида қолдириб орадан 5 йил ўтиб кетди. Қонуний ажрашмаганини билиб туриб Шерматга тегишга розилик берган қиз, унинг ота-онаси хато қилмади, деб ўйлайсизми? Наҳотки уларни, қизини сўроқлаб келган бўлажак куёв ким, нега ажрашди, деган саволлар ўйлантирмаган? Уйланган икки нафар фарзандини аро йўлда сарсон-саргардон, бировларга зор қилиб, зориқтириб қўйган бу йигит уларнинг қизига вафо қилармикан?...

Erta turmushning salbiy oqibatlari

Оила кодексиди қизларнинг 17 ёшдан никоҳдан ўтиш ҳуқуқи белгилаб қўйилган. Бироқ ҳали қизи 15-16 ёшда эканига қарамай, уни тезроқ турмушга беришга ошиқадиган ота-оналар ҳам учраб туради. Бундай ҳолларнинг олдини олиш мақсадида "Оила дорилфунуни" машғулотида, аҳоли ўртасида ўтказилаётган тадбирларда қизларнинг барвақт турмушга чиқиши туфайли юзага келадиган муаммолар тушунтирилмоқда. Қизларнинг барвақт турмуш қуриши кўпинча ота-она-

1. Масъулиятсизлик ҳиссининг ошиши ёки масъулият босими остидаги руҳий зўриқиш.

2. Ёш оилалар орасида ажралишларнинг кўпайиши ажралишлар дастлабки беш йилда рўй беради.

Қизларнинг оилавий ҳаётга жисмонан, маънан ва руҳан, репродуктив ва жинсий ҳаёт маданиятига тайёр бўлмаган ҳолда эрта турмушга чиқишлари куйидаги оқибатларга олиб келмоқда:

3. Туғиш вақтидаги мураккабликлар; туғиш ва ҳомиладорлик ўртасидаги оралик муддатининг қисқариши.

ларнинг хоҳиш-истагига кўра бўлаётганини ҳисобга олиб, бу масалада маҳаллалар родини кучайтиришга эътибор қаратилаётир.

Шу ўринда савол туғилади: оилаларда соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, қизларни эрта турмушга беришнинг олдини олиш мақсадида хотин-қизлар қўмиталари раислари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари томонидан жойларда олиб борилаётган кенг кўламли ишларга қарамай, нега юқоридаги каби ҳолатлар ҳамон давом этмоқда?



Насиба Содикова,
Навойй вилояти Хотин-қизлар қўмитаси раиси:
– Вояга етмаган болаларини ташлаб, хорижга ишлашга кетган аёллар ҳақида гап борса юрагим огриди. Пул ҳам топилар, орзу-хавас ҳам ушлар, лекин бой берилган болалик-чи...



Дилором Салоҳий,
филология фанлари доктори, профессор:
– Оддий бир олимага нисбатан кўрсатилган ҳурмат, эътибор ва улкан ишончдан бошим осмонга етди. Аёли улуғланаётган жамиятда яшаётганимдан шукроналик ҳиссини туйдим.



Мавлуда Турсунова,
Наманган 1-шаҳар шифохонаси бўлим бошлиғи:
– Бутун умр жамоамда, одамлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга, аҳоли тиббий маданиятини юксалтиришга интилдим. Ҳамиша ўзим ҳам тарғиб қилган гоёларимга содиқ яшадим.



Хосият Рустомова,
"Kitob dunyosi" газетаси бош муҳаррири, шоира:
– Қайсидир хорижий тилни билади, дегани таржимон, дегани эмас! Таржима – бу катта санъат. Таҳририятга келаётган таржималар менинг фикрларимга гувоҳ! Икки жумлада аён бўлади исътедод деганлари.



Севара Атабаева,
Норин туманидан, 2-гуруҳ ногирони:
– Ҳаётда яхши одамлар кўплигига ишонаман. Уларнинг ёрдамини ҳис қилиб турибман. Саховатпеша юртдошларим хорижда оёқларимни операция қилдиришим учун ёрдамларини аямайдилар, деган умиддаман.

SAMARQANDDA "QIZLARJON" SAMMITI YAKUNLANDI

Шу йилнинг 23-26 март кунлари республика миқёсида "Илм-фан – келажак пойдевори" шиори остида "Қизларжон" ўқувчи-қизлар саммити бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар иттифоқи, Самарқанд вилоят ҳокимлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган саммитда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан 14-18 ёшгача бўлган 140 нафар иқтидорли қиз иштирок этди. Айтиш керакки, саммит дастури ранг-баранглиги ва замонавий инновацион йўналишларга бой эканлиги билан ажралиб турди. Хусусан, қизлар замонавий АКТ имкониятлари ва уларни ҳаётга татбиқ этиш усуллари, америкалик мутахассислар томонидан мақсадларга эришиш учун тренинглари, Инха университети проректоридан маҳорат сабоқларидан баҳраманд бўлишди, хотин-қизлар кўмиталари ролида иштирок этиш имкониятига эга бўлишди. Шунингдек, қизлар Самарқанд вилоятидаги қатор ишлаб чиқариш корхоналарида ҳам бўлиб, уларнинг фаолияти билан яқиндан танишишди.

Саммит ҳар бир вилоятда ҳам ўтказилди

Бугун мамлакатимизда хотин-қизлар асосан умумтаълим, соғлиқни сақлаш, мактабгача таълим соҳаларида фаолият кўрсатмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг уринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Танзила Нарбаева. — Ваҳоланки,

улар бемалол бошқа соҳаларда ҳам ўз иқтидорини намоён қилиши ва муваффақиятларга эришиши мумкин. Жумладан, инновация, технологиялар ва бошқа замонавий йўналишларда ҳам. Бугун биз қизларни нафақат оилавий ҳаётга, балки катта ҳаётга ҳам тайёрлаш масалаларини жиддий ўйлаб кўришимиз лозим. Сабаби, бугунги глобаллашув шароитида бўлгуси ҳар бир она, яъни қизларимиз билимли, технологиялар билан ишлаб оладиган бўлиши керак. Шунинг учун шу йилнинг ўзида худди шундай саммит вилоятларнинг ўзида ҳам юқори савияда ўтказилди.

Саммит давомида америкалик тренерлар, мамлакатимизнинг етук олимлари, тадбиркорлари томонидан ўқувчи қизлар учун маҳорат сабоқлари ўтказилди. Халқ таълими вазири ўринбосари Д.Кенжаев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари А.Қурбонов, Л.Тошпўлатова, Н.Алимова, Самарқанд вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Г.Алимова ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Хорижда мақоласи чиққан, қорақалпоқ тилида лугат тузган ва Жиззахдаги ягона хитой тили ўқитувчиси бўлган ўқувчи қизлар Иштирокчи қизлар билан

суҳбатлашаркансиз, турли соҳаларда эришган ютуқларидан фахрланасиз. Хусусан, улар орасида хорижда мақолалари чоп этилган, нафақат инглиз, балки хитой, корейс ва бошқа тилларда сўзлашадиган қизлар ҳам бор. Жумладан, Бухоро вилоятидан келган Ясмин Қодирова мода бўйича онлайн-ўйин лойиҳасини яратган бўлса, Андижон вилояти Муҳаммад Юсуф номидаги ижод мактаби ўқувчиси Нодира-бегим Азизованинг илмий мақолалари Англия, Украина, Белоруссия каби давлатларда чоп этилган.

Саммитнинг турли мавзуларга бой ўтгани, замонавий лойиҳаларни амалиётга татбиқ этишда хориж университети ўқитувчиларининг интерактив дарслари менга манзур бўлди, — дейди Жиззах вилояти Шароф Рашидов туманидаги 14-мактаб ўқувчиси Умида Худойбер-

ўрганиш ниятидаги ёшлар кўп, аммо мутахассислар бўлмагани учун дарсдан бўш вақтимда уларга дарс ўтаман. Ойига ўртача 1000 АҚШ доллари миқдоридан маблағ топаман. Режаларим катта. Мақсад сари интилишимда бу саммитнинг ўрни аҳамиятли.

Хунармандчилик маҳсулотлари 13 миллион сўмга сотилди

«Қизларжон» саммити давомида қизлар, шунингдек, тадбиркорлик йўналишида мутахассислардан зарур тавсияларни олишди. Интерактив машғулотлар тарзида ўтказилган маҳорат сабоқларида тадбиркорлик сирлари Жомбой туманидаги Амин инвест, Самарқанд шаҳридаги Самарқанд Бухоро ипак гилам қўшма корхонаси, Бибиҳоним ўқув маркази билан танишиш давомида ўрганилди.

Регистон майдонида ишти-



рокчилар орасида ўзлари ясаган хунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси бўлиб ўтди. Ушбу кўргазма давомида қизлар ясаган буюмлар 13 миллион сўмга сотилди. Анжуман якунида иштирокчи қизлар Самарқанддаги тарихий обидалар, диққатга сазовор жойларни томоша қилишди. Саммит иши бўйича резолюция қабул қилинди.

Гулрух КОМИЛОВА

Tanlov g'olibi innovatsion bog'cha ochdi

«Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси» Республика танловининг ғолибаси Наимахон Фаёзова «Smart child» инновацион нодавлат мактабгача таълим муассасасини ташкил этди.

Унинг очилишида иштирокчилар янги куриб битказилган замонавий жиҳозланган боғча билан танишдилар, меҳмонлар ва кичкинтойларнинг чиқишлари бўлиб ўтди.

Ушбу инновацион нодавлат мактабгача таълим муассасасида кичкинтойларга рус, инглиз ва араб тиллари, одобнома, ментал арифметика ва расм чизиш бўйича машғулотлар ўтказилиши кўзда тутилган.



GERMANIYADA O'zbekiston Yoshlari kuni 2019-yil 24-mart



Ўзбекистон Республикасининг Германиядаги элчихонасида 24 март куни "Германияда Ўзбекистон ёшлари кунини" бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги элчихонаси, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи, Ўзбекистон Ёшлари Умумжаҳон Ассоциацияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси ҳамкорлигида ташкил қилинган мазкур тадбирда Германия ва қўшни Чехия давлатидан 100 дан ортиқ ёш ватандошларимиз иштирок этди.

Тадбир доирасида "Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришда хориждаги ёш ватандош-

GERMANIYADA O'ZBEK YOSHLARI KUNI

ларимизнинг роли" мавзусида тақдимот бўлиб ўтди. Қизиқарли баҳс-мунозараларга, турли йўналишлар бўйича таклиф ва мулоҳазаларга бой бўлган учрашув хориждаги ёшларимизнинг Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларга бефарқ эмаслиги, давлатимизнинг ёшлар сиёсатини қўллаб-қувватлаши ва ёрдами аямасликларидан далолат берди. Тадбирнинг бадиий қисмида Германия олийгоҳларида тахсил олаётган фаол ёшларимиз ўзбек миллий урф-одатларимиз мужассамлашган сахна кўринишлари билан иштирок этишди. Ўзбекистондан ташриф буюрган санъат усталари иштирокидаги концерт дастури ёшларимизга кўтаринки кайфият бағишлади. Дастурхонга ўзбек палови ва Наврўз таомлари, шу жумладан, сумалак ҳам тортилди.

Тадбир сўнггида иштирокчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Камолиддин БЕРДИЕВ,
Ўзбекистон Ёшлари Умумжаҳон
Ассоциациясининг Германиядаги вакили.

YANGICHA FIKRLASH FURSATI YETDI...



**Насиба Содиқова,
Навоий вилояти Хотин-қизлар кўмитаси раиси**

Ҳозирги замон аёлининг имконлари аввалгидан анча фарқланади. Ўқийман, ишлайман, тадбиркор бўламан деган хотин-қизлар учун жуда кўп имтиёзлар яратилмоқда. Бироқ, уларнинг барчаси ҳам бугунги кун талабларини чуқур англаб ета оляптими? Нима учун қайнона-келин муносабатларидаги чигалликларга тўлиқ ечим топилмаяпти? Оиланинг муқаддас тушунча эканлигини англашти учун фақат қизларни эмас, йигитларни ҳам ҳушёрликка чақириш фурсати келмадимикан?...

Сўхбатдошимиз Навоий вилояти Хотин-қизлар кўмитаси раиси Насиба Содиқованинг безовта қалби ҳар бир оилага хотиржамлик, ҳар бир аёл қалбига умид ва ишонч нурларини олиб киришни истайди. Ҳали қуёш чикмасидан ишга отланиб, тун ярмидан оққанда уйга кириб келадиган бу сергайрат аёлнинг иш жараёнига оила аъзолари ҳам кўникиб кетган. Ҳатто бир сафар ижтимоий тармоқ орқали мурожаат қилган шикоятчи аёлнинг мушқулини осон қилиш учун бутун оила биргаликда бориб кўмак беришгани ҳам айна ҳақиқат. "Барчамиз шу элнинг фарзандимиз. Қийин ва машаққатли онларда бир-биримизга гамхўрлик қилишимиз керак", – дея таъкидлайди опа фарзандларига.

– Ўсмирликдаги ўтиш даври нафақат ота-онанинг, балки бутун маҳалла ва мактаб жамоасининг диққат-эътиборида бўлиши лозим. Олий таълим муассасалари, лицей, коллеж ва мактаблардаги учрашувлар чоғида мен ушбу ҳақиқатни қайта-қайта таъкидлашдан сира чарчамайман. Олиб борган сўхбатларимиз ва сайёр учрашувларимиз самараси ўлароқ Учқудуқ, Конимех, Қизилтепа, Томди, Навбахор, Нурота ҳамда Хатирчи туманларида 2018 йилда вояга етмаган қизлар ўртасида жиноят содир этилмаган. Бундан ташқари, 18-30 ёшгача бўлганлар орасида содир этилган жиноятлар 45 тага, 30 ёшдан юқори бўлганлар орасида содир этилган жиноятлар эса 123 тага камайган, – дейди опа.

Вилоят Хотин-қизлар кўмитаси одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш мақсадида ҳам кенг кўламдаги ишларни олиб бормоқда. 2018 йилда бу борада 950 дан ортқ амалий тадбирлар ўтказилди. Жумладан, 765 дан ортқ давра сўхбатлари, 11 дан ортқ конференциялар, 39 дан ортқ амалий семинарлар ҳамда 135 дан ортқ оммавий ахборот воситалари oilavajamiyat@mail.ru

орқали чиқишлар амалга оширилди.

Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда ўз жонига қасд-суиқасд қилиш каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида вилоятнинг барча туман-шаҳарларида: "Сенинг тақдирингга бефарқ эмасмиз!" мавзусида давра сўхбатлари ўтказилди. Ушбу тарғибот ишларида мактаб, коллеж ҳамда аҳолининг барча қатламлари фаол иштирок этишди. Тарғибот ишларида умумий ҳисобда 5 мингдан ортқ фуқаролар қамраб олинди, уларга Хотин-қизлар кўмитаси томонидан тайёрланган 400 дан ортқ тарғибот-тарқатма материаллари ҳамда 250 дан ортқ оилани мустаҳкамлашга доир китоблар тақдим этилди.

Афсуски, ажримлар мавзуси ҳануз долзарблигича қолмоқда. Насиба опага маслаҳат сўраб келадиган аёлларнинг аксарияти оиладаги нотинчлик, қайнона-келин муносабатига ечим излаб мурожаат қилади. Шу боис қаҳрамонимиз иш режасидаги энг кўп вақтини хонадонма-хонадон юриб, оиладаги тушунмовчиликларга барҳам

тадбирларимиз натижасида узоқ муддатга четга чиқиб кетган 5 мингдан зиёд хотин-қизларнинг 3527 таси вилоятга қайтарилди, – дейди Насиба опа оғир тин олиб.

Ҳа, ҳаёт давом этар экан, унинг ўзига яраша синовлари ва машаққатлари инсондан доимий равишда ҳушёрликни ва зукколикни талаб қилади. Шунинг билан биргаликда кечиримлик ва бағрикенглик ҳам атрофимиздаги инсонларни англашда катта ёрдам беради. Руҳшуносларнинг таъкидлашларича, жазони ўташ муассасаларидан қайтган аёллар жазони ўташдан кўра эл-юрт олдига ўзи обрўсини, номини тиклаш жараёнидан кўпроқ чўчир эканлар. Шу боис Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг худудларидаги бўлимлари томонидан ана шундай аёллар қатъий назоратга олинмоқда. Опанинг таъкидлашича, жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган 20 нафар хотин-қиз Хотин-қизлар кўмиталари назоратига олинган бўлиб, уларнинг барчаси тиббий кўриқдан ўтказилди ҳамда 16 нафари иш билан таъминланди.

Вақт ўтгани сайин спорт шохсупаларида давлатимиз байрогини маҳкам тутган хотин-қизлар сони ошиб бормоқда. Мана, яқинда яқунланган, оғир атлетика бўйича жаҳон чемпионатида навоийлик Кумушхон Файзуллаева жаҳон рекордини янгиланган ҳолда олтин медаль соҳибига айланди. Спортни янада ривожлантириш борасида қандай янги лойиҳалар амалга

ёшлар ва уй бекалари жалб этилди. Шуниси қувонарлики, бу тадбирларимизда ёши улғу онахонлар ҳам фаол иштирок этишга ҳаракат қилишяпти.

Аксарият хотин-қизлар ўз ҳуқуқларини билмаганликлари ва ўзларини химоя қила олмаганликлари сабабли боши берк кўчага кириб қоладилар. Ана шундай кезларда улар яхши бир психолог ва ҳуқуқшунос ёрдамига муҳтож бўлишади. Навоий вилоятида ҳозирги кунда зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш, ўз жонига қасд қилишни олдини олиш марказлари фаолияти йўлга қўйилган. 2019 йилда ўз обрўсини, номини тиклаш жараёнидан кўпроқ чўчир эканлар. Шу боис Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг худудларидаги бўлимлари томонидан ана шундай аёллар қатъий назоратга олинмоқда. Опанинг таъкидлашича, жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган 20 нафар хотин-қиз Хотин-қизлар кўмиталари назоратига олинган бўлиб, уларнинг барчаси тиббий кўриқдан ўтказилди ҳамда 16 нафари иш билан таъминланди.

– Оиладаги асосий келишмовчиликлар моддий етишмовчиликлар туфайли юзага келади, – дейди Насиба опа кўюначлик билан. – Демак, хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ишлари ҳам алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Шу кунгача 1648 нафар оғир ижтимоий вазиятда яшаётган хотин-қизларнинг манзилли рўйхатлари шакллантирилди ҳамда ижрога йўналтирилди. Шунингдек, оғир ижтимоий вазиятда яшаётган хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида 595 нафар шу тоифадаги хотин-қизларнинг манзилли рўйхатлари шакллантирилиб, бугунги кунда уларнинг бандлигини таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Айна пайтда 106 нафар оғир ижтимоий вазиятда яшаётган хотин-қизлар иш билан таъминланди.

Шу ўринда бу йилги баҳор айёмида бизни қувонтирган воқеаларни ҳам айтиб ўтай. 8 Март – халқаро хотин-қизлар кuni байрами арафасида вилоятимизнинг 12 нафар аёли "Мўтабар аёл" кўкрак нишони соҳибига айланишди. Бундан ташқари, 2 нафар қизларимиз Зулфия номдаги давлат мукофотига сазовор бўлишди.

Сўхбат жараёнида опанинг иш столидан мумтоз адабиётимиз вакилларининг китоблари кўпроқ ўрин эгаллаганига гувоҳ бўлдик. Хулоса учун шайланган чоғимизда опанинг ўзи бу қузатувимизни сезиб, жилмайганча жавоб қилди:

– Ахир сўз мулкининг султони Алишер Навоий ҳазратлари шарафига номланган вилоятда яшаймиз. Шу боис ҳар иш кuni аввалида бобомизнинг газалларини мутлола қилишни одат қилганман. Қолаверса, газал ва шеърлар ёдлаган одамнинг хотираси кучли бўлади. Шунинг учун ҳам ўзимга хотира машини учун, ҳам қалбимга малҳам бўлиши учун ўқийман бу китобларни. "Нафзинг агар халққа бешақдурур, билким, бу наф ўзингга кўпрақдурур", – дейдилар Ҳазрат. Мен бу ҳикмат сабоғини ўзимда сезганман. Кимнидир оғирини енгил қилган чоғимда кўнглим ёришиб, ўзимни дунёдаги энг бахтли инсон дея ҳис қиламан. Янгича фикрлаш, янгича ишлаш фурсати етди. Тилагим, ҳар бир инсон ўз Она дёрида, қадрдон оиласи бағрида хотиржамликда ҳаёт кечирши учун қурашиши, меҳнат қилиши зарурлигини англаб етсин!

Мухтасар ТОЖИМАТОВА



беришга интилади. 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 329 та нотинч оилалар билан олиб борилган ишлар натижасида 244 тасида нотинчлик бартараф этилди. Маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида 897 та ажрим ёқасидаги оилалар яраштирилди. Буни қарангки, айна пайтда фақатгина шаръий никоҳ билан яшаб келадиган оилалар ҳам кўпчиликни ташкил қилиши аниқланди. Олиб борилган ишлар натижасида шаръий никоҳ билан яшаб юрган 152 та оилаларнинг никоҳлари расмийлаштирилди.

– Вояга етмаган болаларини ташлаб, хорижга ишлашга кетган аёллар ҳақида гап борганида ичларим жимирлаб кетади. Пул ҳам топилар, ороуҳавас ҳам ушалар, лекин бой берилган болалик-чи... Онасидан меҳр кўрмаган болалар эртага ким бўлиб ўлғайишади? Она алласининг гўдак қалбига инъом этадиган ҳароратини ким бера олади? Олиб борган тезкор ишларимиз ва

оширилиши кўзда тутилган?

Ушбу саволимизга Насиба опа шундай жавоб берди:

– Хотин-қизлар ўртасида оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида ҳафтанинг ҳар сешанба кuni "Хотин-қизларни соғломлаштириш" ва жума кuni веломусобақалар ўтказиш кuni деб белгиланган. Шунингдек, вилоят жисмоний тарбия ва спорт, халқ таълими, касб-ҳунар таълими бошқармалари, олий таълим муассасалари ҳамда "Маҳалла" кенгаши ва Ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши билан ҳамкорликда чора-тадбирлар белгиланган. "Спорт – гўзаллик рамзи", "Соғ танда соғлом ақл", "Отам, онам ва мен – спортчилар оиласи", "Спорт – саломатлик гарови", "Аёллар спорт фестивали", "Веломарафон", "Гимнастика – гўзаллик тимсоли" каби мусобақалар ўтказилиб, ушбу тадбирларга 10 мингдан ортқ хотин-қизлар,

ELNING ADABI XUSHROQ ERUR OLTUNIDIN...

Нафақат илмда, оилада ҳам ҳалоллик, покликни матлаби деб ҳисоблайдиган ва унга амал қиладиган суҳбатдошимиз – филология фанлари доктори, профессор Дилором Салоҳий Президентимиз томонидан «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи» унвони билан тақдирланди. Бу хушхабар Самарқанд давлат университети жамоасини тўлқинлантириб юборди.



– Ҳазрат Навоийнинг шундай мисралари бор: “Гар йўқдур адаб, не суд олтун унидин, элнинг адаби хушроқ эрур олтунидин”. Дилором опа, сиз ҳамisha ана шу “адаб ва маънавият боғи”нинг мафтунли бўлгансиз. Ҳар қандай ҳодисадан яхшилик кўришга интилгансиз. Бу феълнингиз туфайлими ёки...

– Менинг тақдиримга оддий илм эмас, ҳалқимизнинг икки улкан устун – Ҳазрат Алишер Навоий ва Заҳрирдин Мухаммад Бобур, қолаверса, мумтоз меросимизни ўрганишда юксак мавқе битилди. Алишер Навоийнинг биргина газалини биргаликда таҳлил қилганимизда талабаларнинг баъзилари ижобий томонга ўзгариб қолганини ҳис қиламан. Ҳазратнинг умуман меросининг оз қисмини ўрганиш жараёнида фикрим ҳам, феълим ҳам, сўзим ҳам ўзгармас экан, олимман деганим бекор бўлади-ку. Навоий инсон умрини бир йўл деб тасаввур этади. Ҳаёти давомида ҳеч қандай йўлни кўрмай, билмай ўтиб кетадиганлар қанча? Аммо шоирнинг тингловчиси, дил ёрۇвчиси, ҳамдарди мазмунли йўлни мақсад қилган, яъни ҳаётини пок ва гўзал ўтказиш йўлини топишга интилган “аҳли хирад”, “аҳли хуш” ақл

эгаларидир.

– Навоийшуносликда бугун қандай ўзгаришлар рўй берди? Айниқса, талабалар, бўлғуси навоийшунослар тадқиқот жараёнида қандай ўзига хос йўлдан боришмоқда?

– Янгиликлар шу қадар кўпки, улар мумтоз адабиёт шинавандаларини қувонтирмай қолмайди. Навоийни тўла тушунишнинг ўзи бир илм. Қолаверса, мумтоз асарларнинг тили мураккаб. Уларни ўрганиш учун форс, араб тилларидан хабардорлик муҳим аҳамият касб этади. Бугун ушбу йўналишда таҳсил олаётган талабалар матншунослик фанини ҳам ўрганишмоқда. Бу талабаларни шунчалик қизиқтириб қўйганки, улар интернет орқали дунёнинг турли мамлакатлари кутубхоналарида мавжуд мумтоз асарлар, ҳатто чекка туманлардан қўлёзмаларни ҳам топиб, тадқиқ этмоқда.

– Давлатлараро алоқаларнинг яхшилангани мумтоз адабиётга ҳам ўз таъсирини кўрсатяптими?

– Албатта. Ҳозирги кунда халқаро конференцияларнинг кўлами ошган. Магистрларимиз, докторантларимиз Туркия, Озарбайжон каби давлатларда таҳсил олишмоқда. Кўшни давлатлар

билан ҳамкорликдаги конференция, учрашувлар тизимли йўлга қўйилган. Биласиз, ўтмиш алломаларимиз, дейлик, Румий, Аттор, Ғаззолий меросини тадқиқ қилиш, ўрганиш учун қўшни давлатлар, Шарқ мамлакатлари билан ҳамкорлик бўлиши шарт ва зарур. Шунингдек, Россия, хусусан, Санкт-Петербург илмий муассасалари билан ҳамкорликни янада яхшилаш ҳам мумтоз адабиётимизни ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Сабаби, у ерда нодир қўлёзмаларимиз сақланмоқда.

– Ўтган йилнинг ўзидан бир қанча ўқув қўлланмаларингиз, монографияларингиз нашрдан чиқди.

– “Тасаввуф ва бадийий ижод” номли ўқув қўлланма, “Мутафаккир ва мумтоз шеърят” номли монографиям Тошкентда, Бобур ижодига бағишланган “Великий мыслитель и поэзия” номли китобим Германияда чоп этилди.

– Жамиятдаги олималик нуфузингиз билан бир қаторда оилада оналик, қайноналик, келинлик вазибаларини ҳам адо этияпсиз. Бир хонадонда ҳам келин, ҳам қайнона сифатида яшашнинг сирлари билан ўртоқлашсангиз...

– Бунинг йўли осон. Келинларин-

гизни қизингиздай, қайнонангизни онангиздай кўринг. Ўзига шукр, икки келиним, қайнонам билан бир ҳовлида истикомат қиламиз. Оилам – менинг муқаддас маконим. Аёлнинг сабри, меҳри бу маконни зийнатли бир гўшага айлантиради. Аслида аёл сўзининг ўзи оила сўзининг қўпик маъносини билдиради.

– Тарбия масаласида сиз ишонган аъмоллар нималардан иборат?

– Меҳрнинг ножўя таъсири бўлиши мумкин эмас! Болани талтайтириш билан меҳр бериш бошқа-бошқа нарсалар. Бунинг ўртасида нозик бир чегара бор. Оналар буни юракдан ҳис қилишлари лозим деб ўйлайман. Меҳрнинг кўпи бўлмайди, чунки меҳрнинг ўзи тарбиядир. Тарбия масаласида эса турмуш ўртоғим билан, биринчи навбатда, фарзандларимизга ҳаром лўқма егизидан кўрқанмиз, шундан парҳез қилганмиз. Ижарама-ижара юрганларимизда ҳам, илм қиламиз деб қийинчиликларга дуч келганимизда ҳам ҳалол бўлишга интилганмиз. Инсон нијатини софласа, йўлидаги гўвлар ҳам очилиб бораверар экан.

– Президентимиз қўлидан “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи” унвонини олаётганингизда кўнглингиздан қандай кечинмалар ўтди?

– Оддий бир олимга нисбатан кўрсатилган ҳурмат, эътибор ва улкан ишончдан бошим осмонга етди. Аёли улугланаётган жамиятда яшаётганимдан шукроналик ҳиссини туйдим. Ҳаётимни оиламга, севилими шогирдларим тарбиясига бағишлаганимдан бахтиёр эдим. Энди эса табиатан бажариш лозим бўлган вазифани адо этганлигим ортидан камтарона меҳнатим эъозланиб, юксак мукофотга сазовор бўлганим учун ўзимни ниҳоятда бахтлиман. Президентимиз менга мукофотни топширган дақиқаларда уларнинг юзидagi самиятга ва меҳрни кўриб, у кишини яқин инсонимдек ҳис қилдим. Иймоним комил бўлдики, давлатимиз раҳбари аллақачон ҳар бир оиланинг бир бўлагига айланаб улгурибди.

Гуруҳ МҮМИНОВА суҳбатлашди.

MAVLUDA OPANING KUN TARTIBI

“Баҳор фаслини яхши кўраман, – дейди Мавлуда Турсунова суҳбатимиз аввалида. – Яшилликка бурканган кенгликлару гулларга бурканган боғлар инсон кўнглига ўзгача завқ ва умид бағишлайди. Поликлиникамиз ва шифохонамизга келган беморларнинг ҳар бирига баҳорий кайфият, эртанги кунга ишонч уйғотишда жамоамиз шифокорлари ва ҳамширалари фидойийлик билан меҳнат қилишмоқда. Биз ўз иш жараёнимизда замонавий тиббиётдаги ҳар бир эътиборга молик ўзгаришлар ва янгиликлардан ҳам бохабар бўлиб боришга интиламиз.”

Ҳа, Мавлуда опа янгиликка ва ташаббусларга мойил инсон. Мана, Андижон давлат тиббиёт институтини тамомлаб, Наманган шаҳридаги 1-шаҳар шифохонасида фаолият бошлаганига ҳам 42 йил бўлибди. Ўтган йиллар давомида бу тиниб-тинчимас шифокор бирон кун бўлсинки, хотиржамликда ўтказган эмас. Қачон қарасангиз, эл-юрт ташвиши билан елиб-югуриб, юртошларимизга соғлиқларини мустаҳкамлаш борасида қўлидан келганича ёрдам беришга ҳаракат қилади.

– Отам Фозилжон Турсунов ҳаётини қишлоқ хўжалигини юксалтиришга бағишлаган фидойий инсон эди. Уларнинг фаолиятини кузатиб, эзгу ишлари ва ҳар бир ишни маъсуляти билан адо этишларига ҳавас қилганман, – дейди М.Турсунова.

Чиндан ҳам Мавлуда опа отаси каби ўз касбининг устаси бўлиб етишди. Айни пайтда шифохонанинг поликлиника бўлими бошлиғи ҳамда маънавий-

маърифий ишлар бўйича бош врач ўринбосари лавозимларида фаолият кўрсатмоқда.

– Ажойиб раҳбар ва ташкилотчи инсон Мавлуда Фозилжоновна билан 30 йилдан бери бирга ишлайман, – дейди шифохона бош врач Тохиржон Абдуллаев. – Ҳалол, талабчан, меҳрибон устозимиз жамоага ҳар жиҳатдан намуна. Маънавий-маърифий ишлар бўйича ҳамisha олдинда юришимизнинг сабабчиси ҳам опамиз.

– Шукр қилишни, янгиликка интилишни, доимо изланишни улардан ўрганганман, – қўшимча қилади бош ҳамшира Зухраҳон Пўлатова. – Ҳар қандай соҳада оқилона маслаҳат бера оладилар, ўғитларига амал қилсангиз барака топаверасиз.

Бу каби самимий эътирофларни 340 кишилик меҳнат жамоасининг ҳар биридан эшитиш мумкин. Чунки ходимларини бир кун кўрмаса соғиниб қоладиган опа уларнинг ҳурматини талабчанлиги, меҳрибонлиги ва ҳатто қаттиққўллиги билан қозongan.

Мавлуда Турсунованинг кун тартибидан фақат ва фақат зарур юмушлар ўрин олган. Улар орасида касалхона ҳудудининг ободончилиги, ходимлар фаолияти, беморларнинг улар хизматидан рози бўлишларини таъминлаш диққат марказида туради.

– Бутун умр жамоамда, одамлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга, аҳоли тиббий маданиятини юксалтиришга интилдим, – дейди опа суҳбат асосида. – Ҳамиша ўзим ҳам тарғиб қилган ғояларимга муносиб яшадим.

Ҳозирги кунда

Мавлуда опанинг шогирдлари нафақат устозининг фаолиятига, балки унинг Мирзааҳмад Отавлиев билан қурган тотув оиласига ҳам ҳавас қилишади. Чунки опа умри раҳбарликда ўтса-да, яхши рафиқалиқдан ташқари, қайнота-қайнонасининг дуосини олган келин, фарзандларининг барини ўқимшли, эл корига ярайдиган касб эгаси даражасига етказган оқила она ҳам бўлди.

Ҳалол меҳнат қилган эъоз топади, дейди доно халқимиз. 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни байрами арафасида мамлакатимизнинг турли нуқталаридан ўзининг ибратли фаолияти билан эл назарига тушган 260 нафар хотин-қиз “Мўътабар аёл” кўкрак нишони билан тақдирланди. Президентимизнинг “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига қўра таъсис этилган “Мўътабар аёл” кўкрак нишони соҳибасига айланганлар орасида Мавлуда Турсунова ҳам бор. Оиласида, жамиятда ўзининг фидокорона меҳнати, ташаббускорлиги ва жонқуярлиги билан намуна бўлган опани нуфузли мукофот билан табриқлаймиз.

Назokat БАҲОДИРОВА

oilavajamiyat@mail.ru

GUL VATANNING GULSHODASI

Ўзбекистон қизлари ҳар йили 8 мартни ўзгача ҳаяжон билан кутишади. Чунки бу айём арафасида Зулфия номидаги Давлат мукофотининг совриндорлари эълон қилинади. Чиройда, ақлу идрок, тафаккурда бир-биридан ўзадиган мукофот соҳибаларига боқар экансан, уларни тобора гуллаб-яшнаётган Ватаннинг гулчечаклари, гулшодалари деб атагинг келади. Бу мукофотга Наманган вилоятидан муносиб кўрилган қизларимиздан бирининг исми-жисмига монандлиги қалбимизни янада сурурга тўлдирди...

Биз Наманган санъат коллежи академик хонандалик йўналиши 3-босқич ўқувчиси Гулшодабегим Абдулхамидова ва у сазовор бўлган юксак мукофот ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Набиралар ҳаёти, келажагида зиёли бобо ва буви-ларнинг ўрни ва ҳиссаси катта бўлади. Раҳматовлар сулоласига ҳам бу эзгу анъана бегона эмас. Аксинча, моҳир педагог бўлган бобо ва маҳоратли тарбиячи бўлган буви Гулшодабегимни 6 ёшидаёқ болалар мусиқа ва санъат мактабига олиб боришди. Чунки ширингина қизалокнинг рақсга бўлган қизиқиши уларни бефарқ қолдирмаган эди.

Гулшодабегим санъатнинг мафтункор оламига шу тариха қадам қўйди. Орадан икки йил ўтиб, қизгина дутор чалишни ўргана бошлади. Чалган куйларига ҳамоҳанг кўшиқлар хиргойи қилганини кўрган устозлари Гулшодабегим ширали овоз эгаси ҳам эканини илғадилар ва унга аста-секин ижрочилик сабоқларини бера бошладилар.

– 2013 йилдан бошлаб кўшиқчилик санъати билан астойдил шуғуллана бошладим, – дейди Гулшодабегим. – Бу борада ҳам мени жиддий кўллаб-қувватлаган инсон бобом бўлдилар. Тумандаги болалар мусиқа ва санъат мактабидеги сабоқлардан ташқари, Наманган санъат коллежи мураббийларидан дарс олишимни таъминладилар. Дастлаб эстрада, кейинчалик овоз имкониятларимдан келиб чиқиб, устозлар тавсияси билан академик хонандалик йўналишида таҳсил ола бошладим.

Гулшодабегим ўз устида тинмай ишлади, изланди. Дастлаб Чортоқ туманидаги 53-умумтаълим мактаб-интернатини, шу билан бирга, тумандаги 14-болалар мусиқа ва санъат мактабини ҳам муваффақиятли тамомлади. Коллежнинг академик хонандалик йўналишига қабул қилинди. Қисқа вақтда устозлари Шоира Тожибоева, Адиба Асранқулова, Нозимахон Ғофуровалар ишончи ва меҳнатини оқлади.

– Гулшодабегим мактабининг 7-синфиде ўқиган кезларидан коллежimizда дарс ола бошлади, – дейди Наманган санъат коллежи академик хонандалик йўналиши ўқитувчиси Нозимахон Ғофурова. – Ана ўша пайтлардаёқ унинг иқтидори жамоамиз педагоглари эътиборига тушди. Ёш истеъдодни камолот пиллапоълари сари йўллаш ундан ҳам, биздан ҳам катта меҳнат талаб қилар эди. Гулшодабегим бу йўлда асло ҳафсаласизлик қилмади, аксинча, дадиллиги, серҳаракатлиги, зукколиги, ахлоқ-одоби билан бизни ҳайратга солди. Бугун у ўз келажагига олтин бир фиштни кўя олди – Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди. Энди унинг олдига бундай юксак шарафга муносиб бўлиш, Президентимиз

ишончини оқлашдек янада масъулиятли, залворли вазифа турибди.

Гулшодабегим 2010 йилда «Дуторчи қизлар» ансамбли таркибиде болалар ижодиёти фестивалининг республика босқичида қатнашиб, сертификат билан тақдирланган бўлса, 2012 йилда она тили ва адабиёти фани бўйича олимпиаданинг республика ҳудудий босқичида 1-ўринни эгаллади. 2014 йил унга кўшалок муваффақиятларни туҳфа этди. Шу йили «Камалак юлдузлари» республика болалар ижодиёти фестивали лауреати бўлди, шунингдек, Беларуссиянинг Магилёвск шаҳрида бўлиб ўтган «Золотая пчёлка» халқаро фестивалида қатнашиб, диплом билан тақдирланди. Муҳиддин Қориёқубов номидаги республика ёш ижрочилар кўрик-танловида эса 3-ўрин соҳибаси бўлди.

Бундан ташқари, изланувчан ва серғайрат қаҳрамонимиз 2014-2016 йилларда таълим даргоҳларидаги «Ораста қизлар» кўрик-танловининг республика босқичида жамоавий ва яқка тартибда иштирок этиб, 1-ўринни кўлга киритди. 2015 йилда эса Мухтор Ашрафий номидаги республика ёш ижрочилар танлови голибига айланган бўлса, 2016 йилда республикадаги санъат коллежлари ўқувчилари ўртасида бўлиб ўтган танловнинг муваффақиятли иштирокчиси сифатида диплом ва сертификатларга эга бўлди.

2018 йилда Самарқандда бўлиб ўтган туркийзабон халқлар ўртасидаги «Шеър оқшомлари» халқаро фестивалида ҳам Гулшодабегим тадбирнинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимларида ўз кўшиқлари, опералари билан қатнашиб, таниқли санъаткорлар эътирофига сазовор бўлди.

Гулшодабегим мукофотгача бўлган йўл ва келажак режалари хусусидаги саволларимизга жавобан шундай дейди:

– Сўнгги пайтларда айримларнинг мукофот учун кечаётган танловлар ҳаққоний тарзда ўтмаётгани ҳақидаги гап-сўзларини, эътирозларини эшитиб қоляпмиз. Уларга жавобан айтишим мумкинки, мукофот учун бўлаётган танловнинг дастлабқисидан то сўнгги босқичгача иштирокчидан, у қайси йўналишда бўлишидан қатъи назар, нуфузли танлов ҳайъатининг илмий, маънавий, сиёсий мавзулардаги саволларига тўлақонли жавоб бериш талаб этилди. Бу билан айтмоқчиманки, номзоднинг ўз йўналиши бўйича катта-катта ютуқларни кўлга киритганининг ўзигина етарли бўлмайди. Мамлакатимизда, халқимиз, хусусан, ёшлар ҳаётида, маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий соҳаларда амалга оширилаётган туб илохотларнинг моҳияти ва бориши ҳақида етарли тушунчага эга бўлмаган номзодни мукофотга муносиб деб бўлмайди. Танловнинг республика босқичида дунёқараши кенг, тафаккури юксак, чуқур билим ва



маҳоратга эга тенгдошларимни кўриб, танловнинг ҳар бир босқичи ҳаққоний тарзда ўтганига ишонч ҳосил қилдим. Бу мукофотга эришиш учун жуда кўп ўқиб-ўрғаниш кераклиги деярли ҳар бир жараёнда ўз исботини топди.

Мен олий таълим олиш баробарида ўзбек опера санъати тарихини чуқур ўрганиш, бу борада илмий изланишлар олиб бориш, санъатнинг мазкур йўналишига ёшларнинг қизиқишларини оширишга муносиб ҳисса қўишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман. Ўз навбатида, замонавий ўзбек операсини ривожлантиришга, асрлар оша ашайдиган асарлар яратиш йўлида бор куч-ғайратим ва иқтидоримни сарф этишга тайёрман.

Албатта, улуг санъат даргаларига бешик бўлган Наманган заминининг яна бир янги умиди сифатида камолга етаётган Гулшодабегимнинг бу қутлуғ мақсадлари рўёбга чиқиши, шубҳасиз. Зотан, мукофот унинг ноёб иқтидорининг исботи, шу билан бирга изланишдан тўхтамаслиги учун шижоат манбаи, катта мақсадларга эришиши йўлидаги улкан масъулият ҳамдир.

Шахло ТОШБЕКОВА,
“Оила ва жамият” мухбири


Ҳайрон бўлишингиз табиий, ахир сертификат одатда товар, маҳсулот ёки иш ва хизматларда бўлади. Аммо бўлғуси келин-куёвларга қаерда, ким томонидан ва нима мақсадда берилляпти? Бу сертификатларнинг бирор нафи борми?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази Тошкент вилояти бошқармасининг барча туман ва шаҳарларида жорий йилда «Бўлғуси келин-куёвлар инновацион мактаби» фаолият бошлади.

Ушбу мактаб турмуш кураётган ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш орқали ажримларнинг олдини олишни мақсад қилган. Хусусан, Янгийўл туманида ташкил этилган шундай инновацион мактабни тугатиб, сертификатга эга бўлган 71 жуфт никоҳланувчи, уларнинг ота-оналари ҳам бундан гоятда мамнун бўлишди.

oilavajamiat@mail.ru

SERTIFIKATLI KELIN-KUYOVLAR



Мустақил ҳаёт дарсларида бўлажак келин-куёвлар амалий машғулотларда бир-бирлари билан яқиндан танишдилар, ҳуқуқий, иқтисодий, репродуктив саломатлик, дин асослари ва психология борасидаги билим ҳамда кўникмаларини оширишди.

– Машғулотлар давомида тиббий маданиятга эга бўлиш билан бир қаторда диний билимларимиз ҳам ортди, – дейди «Ниёзбоши» МФИда истиқомат қилувчи Шухрат Салимов ва

Наргиза Равшановалар – Унга кўра, инсон саломатлиги оилага фақатгина бахт улаши мумкинлиги, тўйларни ихчам ўтказиб, ортган маблағни келгусида зарур эҳтиёжларга сарфлаш лозимлиги ҳақидаги тушунчаларга эга бўлди.

– Психология дарсларида фельдаторимизни белгилайдиган тестлар ўтказилди, натижада, фазилат ва хислатлар билан бир қаторда камчиликларимиз борлигини ҳам билдик, – дейди яна бир жуфтлик «Ислохот» МФИдан Фаррух ва Сурайё Нуриддиновлар. – Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, оиланинг мустаҳкам бўлишида ақл-идрок, сабр-қаноат биринчи ўринда эканига ишонч ҳосил қилдик.

Умида МАНСУРОВА,
«Оила» ИАТМ Тошкент вилояти
бошқармаси ходими.



“Хосият! Шеърларингиз китобларингизнинг қордай оппоқ саҳифаларида анор донларидай ёки ёқут узукнинг мўъжаз кўзидай ярақлаб туради... сизнинг шеърларингиз шундай: дил ва кўнгилга сўйланган улар. Фақат ҳеч жавоб топа олмайсиз: кичкинагина юрак ҳаёт ва инсон кечинмаларининг шунчалар зиддиятларини қандай ўзига сиғдириб, қандай кўтариб юраркин? Балки донишмандлик керакдир? Кўзёшлардан кўл бўлган юракнинг қонмас ташналиги билан хомаси олишаётган донишмандлик...”

Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Иброҳим Ғафуровнинг ушбу таърифини суҳбатимиз муқаддимаси учун танладик. Зеро, бизни ҳам шу савол қизиқтиради.

– Хосият опа, аввало, Бангкокда ўтказилган «Open Evrazia-2018» халқаро танловида поэзия йўналишида 1-ўринни кўлга киритганингиз билан самимий кутлаймиз. Ушбу танловда иштирок этган ижодкорларнинг қайси жиҳатлари сизни ҳайратлантирди? Бугун жаҳон адабиётининг шеърят иқлимида қайси йўналишлар устунлик қилмоқда деб ўйлайсиз?

– Мен ҳамиша шоирларнинг ҳайратларидан ҳайратланаман. Уларни қаерда кўрмай, ихтиёрсиз кузатаман. Қизиги, улар бир ўзлари юрган бўлсалар ҳам, ёлғиз эмасликлари билиниб туради! Ёнларидан уларни эшитадиган кимдир бордай туюлади. Ва ҳамиша кимдир борлигим рост! Шоирлар мамлақати ва миллатидан қатъи назар бир хил. Уларни узоқдан кузатиб турсангиз, ҳайратларингизни яширолмайсиз!

Адабиётда устувор йўналишнинг ўзи йўқ. Адабиётда ҳаётни яширмай ёзиш бор.

– Биз жуда ғаройиб даврда яшаймиз. Китобсиз эмас, телефонсиз ўзимизни жуда ғариб ҳис қиламиз. Ромиз Равшан айтганидек, бугун нафақат табиий, балки маънавий экологияси ҳам ҳаддан зиёд қирланган дунёимизда гўзал китобларни

“SHOIRLARINING HAYRATIDAN HAYRATLANAMAN...”

мутолаа қилмоғимиз тоза ва соф ҳаводан нафас олмоқ билан баробардир. Хосият Рустамованинг “соф булоқлари” ҳақида билмоқчи эдик...

– Телефондан узоқлашолмаётганларнинг биттаси менман! Бир кун интернетга кирмасам, дунёнинг қайсидир бурчакларидаги шоир дўстларимдан хавотир аралаш хатлар келади... Айниқса, бугунги тил ўрганаётган, дўстларим билан ўзим мустақил гаплашишга ҳаракат қилаётган кунларимда интернетдан кетиш ҳақида ўйлаётганим йўқ. Лекин, шунга қарамай, бу ҳаётимнинг бир чеккасидаги кичкина бир восита, холос. Мен ўқийдиган китобларимга нисбатан кичкина сўзини ишлатолмайман! Улар ҳаётимнинг ўзини ташкил этади. Булгаковни яхши кўраман! Достоевский, Тургенев – жону дилим!

дунёсига яқинлашолмаган таржимонлар ҳам йўқ эмас!

– Адабий танқид мавзуси ҳануз биз учун оғриқли мавзу бўлиб қолмоқда. Бир пайтлар адабий нашрларда чоп этилган адабий-танқидий мақолалар ойлаб, ҳатто йиллаб адабий давраларни “қиздирган”, ёш ижодкорларга маёқ вазифасини ўтаган. Айни пайтда бу давралардаги бир қадар сокинлик ва сўзбозлик ҳақида нима дейсиз?

– Абитуриентлигимда Белинскийни ўқиб, ҳеч нарса ёзмалик ҳақида ўйлаганман, ёзилганларидан хавотир олганман. Бугун бизни кўрқитадиган виждонимиздан бошқа ҳеч нарса йўқ... шунинг учун ҳар хил китоблар кўпайиб кетди... Танқидчилар деярли йўқ! Тақризчилар эса афсуски, кам эмас. Биласиз, «Китоб дунёси» тақриз бермайди. Аввал жуда хафа бўлишди



Лев Толстой, Кортасар, Камью, Кафка, Флобер, Ремарк, Борхес, Набоковни ҳеч кимга алмаштирмайман! Абдулла Қодирий, Чўлпон, Абдулла Қаҳҳор, Одил Ёқубов, Шукур Холмирозев, Ўткир Ҳошимов, Мурод Муҳаммад Дўст, Усмон Азим, Эркин Аъзам, Назар Эшонқул, Собир Унар, Улуғбек Ҳамдам, Исажон Султон, Кўчкор Норқобил билан фахрланаман.

– Хосият опа, бугун жаҳон адабиёти намуналарини аслиятдан таржима қилаётган ёшлар сафи кенгаймоқда. Талабчан муҳаррир ва таржимон сифатида бу таржималар сифати ва бадий савиясига қандай баҳо берасиз?

– Қайсидир хорижий тилни билади, дегани таржимон, дегани эмас! Таржима – бу катта санъат. Таҳририятга келаётган таржималар менинг фикрларимга гувоҳ! Икки жумлада аён бўлади исътедод деганлари. Тишларинг орасида ғичирлаб кетадиган сўзлар, кунни бўйи кўнглинги беҳузур қиладиган арзон жумлалар шу қадар кўпки, уларнинг эгаларига бир сўз билан, ўзингизни оввора қилманг, дегинг келади. Таржимон агар фақат тил билса, тажрибали таржимонларнинг ўгитлари ҳам бефойда! Ўзи шоир бўлмаса-да, шеърни шоирдан яхши идрок этадиган таржимонларни биламан. Ўзи шоир бўлатуриб, шоир

– Мен ҳамиша шоирларнинг ҳайратларидан ҳайратланаман. Уларни қаерда кўрмай, ихтиёрсиз кузатаман. Қизиги, улар бир ўзлари юрган бўлсалар ҳам, ёлғиз эмасликлари билиниб туради! Ёнларидан уларни эшитадиган кимдир бордай туюлади. Ва ҳамиша кимдир борлигим рост! Шоирлар мамлақати ва миллатидан қатъи назар бир хил. Уларни узоқдан кузатиб турсангиз, ҳайратларингизни яширолмайсиз!

бу тақриз ёзувчилар. Ва ҳозирга келиб тақризнинг қадами газетадан анча узилди. Нима учун тақриз бермаймиз? Аксарият ҳолларда тақриз ёзган одам тақриз ёзувчининг ё ҳаюрти, ё яқин таниши бўлади. Бу одамга оғир ботади.

– Кўчкор Норқобилнинг сизнинг

ижодий кайфиятингизга таъсир кўрсатадиган қандай талаблари бор?

– Кўчкор Норқобилдай инсон билан яшашнинг ўзи олдимга жуда катта талабар қўяди. Албатта, буни менга биров айтмаган, ўз олдимга муҳаббатим қўйган мажбурият деб қабул қилганман. Кўчкор Норқобилнинг менга қўядиган талаблари эмас, муҳаббатларининг ўзи етиб ортади! Ёзганларимнинг биринчи ўқувчиси олдида биринчи синф боласи каби тураман. Нафас олишларидан, киприк қоқишларигача нафасимни ичимга қотиб кузатаман. Мен ўша дақиқалар учун туғилган ва шу дақиқалар учун яшаётганга ўхшайман баъзан.

– Халқаро адабий танловларда ва давраларда ҳозирги ўзбек шеърятига қандай баҳо беришди? Бугунги адабий алоқалардан кўнглингиз тўладими?

– Танловларда бизда шеърят баландлигини ич-ичимдан ҳис қиламан! Ва атрофимдагиларнинг ҳам ҳаяжону ҳайратларини кўп кўрдим. Жуда кўп, баъзи ўринларда ортиги билан олқишлашди. Бугунги адабий алоқалар аввалги йилларга қараганда анчагина яхши! Менимча, бу жараёнлар ҳали мукамал тус олади ва адабиётнинг ривожини учун хизмат қилади...

– “Менга не ишқу, не ошиқ ҳавасдур, Агар мен одам ўлсам, ушбу басдур”, дейди Ҳазрат Навоий. Айни талотўп замонда бир зум тўхтаб, қалбимизга кулоқ солсак, барча жимжималар, шовқинлар, орзу-ҳаваслар тиниб, асл куй сардолари янграй бошлайди. Шундай эмасми?

– Модомики шу ҳақда гаплашар эканмиз, бир гапни айтмай - биз фақат Аллоҳникимиз! Бу янги гап эмас. Бу гапни кўпчилик айтган, аммо, менинг ўн йиллар арафасидаги иқдорим ва ўзимнинг дунёимдаги қайта тугилишларим буни менга исботлаб берди ва мен бугун кўрқмай бу ҳақда айта оламан! Биз кўриб турган ва тобора бизниқига ўхшаб қолган бу дунё бизники эмас. Бизники бўлганда, ташлаб кетармидик бир кунда!

– Бадий дид борасидаги қурашлар ва қарашлар майдонида қанчалар фаолмиз?

– Олдинги саволнинг давоми сифатида жавоб бераман. Бутун инсониятни ҳайратга соладиган адабиёт бизнинг орагимизни сув қилиб юбориши табиий... Чунки биз азалдан муҳаббатдан яралганимиз. Одам Ато ва Момо Ҳаво зурриёларимиз! Чет элда бўладиган тадбирларда баъзан асарлар устида тортишувлар бўлиб қолади. У асар тугул ёзувчининг исмига қуллогимга чалинмаган бўлади кўп ҳолларда. Лекин мен буни жуда табиий қабул қиламан, чунки, мен ўқиган асарларнинг кўпидан улар ҳам беҳабар. Мана шу сиз айтган кураш ва қарашлар тўқнашган жойда чинакам адабиёт яралади... Адабиёт эса бутун бир инсониятнинг шакли-шамойилидир!

Саволлар ҳеч қачон тугамайди... Бироқ шоир кўнглининг кўнглимизга юққан соғинчи, ҳақиқатлари ўзига хос овоз эгасини вақт тоқчасига муҳрлайди. Бир зумга шошилманг, бу ҳайрат қошида сиз ҳис қилган туйғулар пўртанаси, қалб ноласи бор... Хосият Рустамовани тинглашга вақт ажратганингизга афсусланмайсиз, азиз замондош!

Мухтасар ТОЖИММАТОВА суҳбатлашди.

Ўтган йилнинг июли эди. Саккиз ой бўлибди. Оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш бўйича Республика ишчи гуруҳи таркибида Наманган вилоятининг Норин туманида бир ҳафта фаолият юритдик. "Фурқат" МФЙ гуруҳимизга бириктирилган олтинчи маҳалла эди. Севара билан маҳалла фуқаролар йиғини идорасидан чиқиб, Фурқат кўчасига кираверишда учрашдик. Жуссаси кичик, нозиккина, юришга қийналса-да, юзидан шижоат ёғилиб турган бу қиз дадил қаршимиздан чиқди.

— Тошкентдан келган комиссия сизлармисизлар, гуруҳ раҳбари ким? — Севаранинг овозидаги ўктамлик мени ҳайрон қолдирди. Ўша ерда, шундоққина йўл устида у билан бир оз суҳбатлашдик. Мени ҳайратга солган нарса шу бўлдики, Севара ўзи эмас, Фурқат кўчасининг бошидаги уйлاردан бирида яшайдиган ногирон аёл ҳақида, унинг оғир турмуши тўғрисида гапирар эди.

— Сиз ҳам шу кўчада яшасизми, уйингиз қайси томонда? — сўрадим унинг галини бўлиб. — Биз ҳар бир хонадонга кириб чиқамиз. Бирор бир муаммо эътиборсиз қолмайди.

Унинг юзидан кинояли табассум пайдо бўлди.

— Сизларгача ҳам икки-учта гуруҳ келиб-кетди. Катта-катта идоралардан, катта-катта одамлар эди. Уйма-уй юриб, муаммоларни ўрганишди, айтмаганига қўймай одамларнинг галини оғзидан суғуриб олишди. Натижа эса йўқ. Ҳеч қандай ёрдам қилмайдиган бўлсаларинг бунақа юришларингиздан нима фойда.

— Ёрдам қиляпмиз. Лекин ҳамма муаммо ҳам бир кунда ҳал бўлиб қолмайди-да, — дедим унинг гаплари бир оз оғир ботган бўлса-да, синимни буз-

масликка ҳаракат қилиб.

— Эшитдим, газ баллон тарқатаётган экансизлар, марказдаги икки қаватли уйлarning подвалларини тозалатибсизлар, канализация қилишибди, — деди у шу ҳам ишми, дегандек бепарволик билан.

— Фақат бу эмас, кўп ишлар қилинди... — негадир ўзимни шу жиккаккина қиз олдида ожиздек ҳис қилдим.

— Имкони бўлса, шу аёлга ёрдам қилинлар, жуда қийналиб кетди, — деди у кетишга чоғланар экан.

— Ўзингизнинг муаммоларингиз ҳақида гаплашмайми? — дедим уни тўхтатмоқчи бўлиб.

— Уйимда гаплашамиз. Сизларни кутаман, — деди у ўша ўктамлик билан.

Кейинчалик ҳам Севара билан телефон орқали кўп гаплашдик. Унга мутлақо ёрдам қилинмади, десам хато бўлар, бироқ у барибир қайсидир маънода ҳақ бўлиб чиқди. Туман раҳбарияти томонидан Республика ишчи гуруҳи олдида ваъда қилинган кўпгина ишлар ваъдалигича қолди: унинг ҳаёти ўзгармади.

Ўттиз бир ёш. Бир аёлнинг турмуш қуриб, дунёга келтирган фарзандларини бирин-кетин тетапоя қилаётган палласи, ҳаётнинг энг завқли, энг тотли дамлари. Аммо бундай бахт ҳаммага ҳам nasib этавермас экан. Агар аёлни Яратган оғир дард билан синаётган бўлса, бу лахзалар у учун буюк армон, етиб бўлмас орзуга айланиб қолаверар экан...

Норин туманининг "Фурқат" маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилаётган Севара Атабаева ҳам ўттиз бир ёшда. У болаликдан ногирон.

— Севара кенжа фарзандим, — дейди унинг онаси Мадина опа Исаева. — У туғилганидан буён хасталик билан курашиб келади. 8

SINOVLARDA SINMASIN HECH KIM



ёшигача мустақил қадам босолмасди. Ҳозир ҳам юришга қийналади. Шу пайтгача икки марта оғир жарроҳлик амалиётини бошдан ўтказди. Аввал фақат оёқларининг учини босар эди, операциядан сўнг тоналларини ҳам боса бошларди. Бироқ тизза, болдир суяклари қийшайишда давом этяпти. Жуда кўп шифокорларга кўрсатдик, унинг тузалишига умид бор экан. Бунинг учун оёқларини хорижда икки марта операция қилиш керак экан. Бу операциянинг ҳар бирига 10 минг АҚШ доллари миқдоридан пул керак бўлар

экан. Аммо бизда бунга имкон қайда дейсиз...

Она учун дардманд фарзанд юзига термилишдан оғир синов бўлмаса керак. У билан баб-баробар дард чекаётган оназорнинг шу пайтгача бошидан ўтганларининг ўзи катта мусибат. Аввал тўнғич қизининг балоғатга етиб қолган фарзанди саратон хасталиги туфайли оламдан ўтди. Бир неча йилдан сўнг турмуш ўртоғи — болаларининг отаси бу ёруғ оламни тарк этди.

Ҳозирда "Фурқат" МФЙ, Фурқат кўчасидаги 40-уйда, кичкинагина ҳовлида ўғлининг оиласи билан биргаликда яшашга ўзига ҳам хастахол Мадина опа қизининг келажагидан хавотирда.

— 2-гуруҳ ногирони сифатида ҳар ойда 416 минг сўм нафақа оламан, — дейди Севара. — Аммо бу мунтазам даволаниб турган одам учун денгиздан томчидек гап экан. Ўтган йили туман хотин-қизлар кўмитаси томонидан тикув машинаси берилди. Касаначилик асосида ишга жойлаштирамиз, имтиёзли уйлاردан бирини ажратамиз, дейишди. Аммо ҳалигача ишдан дарак йўқ. Ишли бўлсам, ногиронлар учун ажратилаётган ўша имтиёзли

қилган мурожаатларимнинг фойдаси бўлмади. Ҳар гал бир баҳона, қуруқ ваъда билан ортга қайтариб юборишади. Наҳот, айрим мутасаддилар учун бир инсон тақдирини шунчалик аҳамиятсиз бўлса?! Тўғри, шу пайтгача бир неча бор имтиёзли ордер билан шифохоналарда даволандим. Бунинг учун раҳмат айтаман.

Ҳаётда яхши одамлар кўплигига ишонаман. Уларнинг ёрдамини, меҳрини ҳис қилиб турибман. Мен саховатпеша юртдошларимдан ёрдам сўрайман, хорижда оёқларимни операция қилдиришим учун ёрдамларини аямайдилар, деган умиддаман.

Севара яқинда Наманган вилояти кўп тармоқли марказий шифохонасида даволаниб чиқди. Бироқ саломатлигида ижобий томонга ўзгариш сезилмапти.

Яхшилар, ҳаёт тўлқинида дард билан олишиб, яшашга куч ва чора излаётган, биздан наҳот кутаётган бу қиздан муруватимизни дариг тутмайлик. Шояд, ёнгинамиздаги бир қиз синовларда синмай, эртанги кун сари дадил одимлай олса!

Ақбар ҚАРШИЕВ,
"Оила ва жамият"
муҳбири

Ҳўр 22618840999053294901
АТБ "АГРОБАНК" Норин филиали
Мффо 00236
Инн 201766884
AGROBANK 8600 0423 0362 2780
23120000100000236003 транзит
22618000999053294500 карта ҳисоб
рақами
283 Atabeva Sevара — (94) 902-03-88

YAXSHILIKNING JAVOBİ — YAXSHILIK

Бу воқеага анча бўлди. Тиббиёт коллежида директор ўринбосари эдим. Ўқитувчилар коллежини битирувчилари орасида бир талаба давлат имтиҳонларидан ўтолмаганини, диплом ололмаганини айтиб, бу ҳақидаги далолатномага имзо чекишимни сўрашди. Далолатнома билан танишиб чиқдим ва ўқитувчиларга ўша ўқувчини чақиришларини сўрадим. Хонамга пажмурда қиёфада, эзилган, мунгли нигоҳлари кишига илтижоли термулиб турган йигитча кириб келди. Далолатномага бир қур назар ташлаб олдим-да, талабага қарадим:

— Хўш, Очилов, яхши ўқимабсиз-ку, энди нима қиламиз? Ўқитувчиларингиз сизга диплом беришмоқчи эмас...

Галини тугатар-тугатмасимдан йигитча изиллаб йиғлаб юборди. Юрагим увишиб-езилиб кетаётган бўлса-да уни овутишга куч тополмадим ўзимда. Жим қузатиб туравердим. Талаба узоқ йиғлади. Ҳўрсиниб-ҳўрсиниб кўз тўқди. Ўзимни йиғидан аранг тўхтатиб унинг тинчланишини кутдим. Бироздан сўнг меҳнатдан қорайган, қадоқ бармоқлари билан кўз ёшларини артиб, индамай бошини қуйи солганча ўтираверди.

— Очилов, биз тиббиёт ходимларимиз. Касб-коримизни миридан-сирини oilavajamiyat@mail.ru

гача пухта билишимиз, умуман хатога йўл қўймастимиз керак. Биласиз, тиббиёт ходими инсон ҳаётига масъул шахс ҳисобланади. Жавобгарлик ҳиссини англашингиз керак. Биз сизни давлат имтиҳонларидан ўтказиб, диплом берсак, эртага бирор тиббиёт муассасасига ишга жойлашсангиз, Худо кўрсатмасин, бирор қалтис хатога йўл қўйсангиз сиз билан баб-баравар биз ҳам жавобгар бўламиз. Шундай экан, хўш, энди ўзингиз айтинг, сиз билан қандай йўл тутишимиз керак?..

Талаба ерга кириб кетгудай бўлиб букчайиб қолди. Сўнг шикаста овозда гап бошлади:

— Устоз, аслида тиббиётга қизиқаман. Бу соҳа менга бегона эмас. Отам врач-нарқолог. Жуда қаттиққўл одам. Бошқа оилалари бор... Иккинчи аёлларидан фарзандлари ҳам бор. Бизга унча ёрдам бермайдилар. Боғимиз бор. Ўша ерда ишлаб, онам ва сингилларимни боқаман. Мол боқаман, дашла-рўзгорнинг ишини қиламан. Устоз, уйимизнинг эркаги ўзимман. Шунинг учун яхши ўқийламан қолдим...

Қалтираб-титраб изтиробини тилига зўрга чиқараётган йигитчага разм солдим. Нимжон, ориққина бола экан. Кийимлари ҳам униқсанроқ. Ҳаёт шайқатсизлик билан имтиҳон қилаётган болани имтиҳондан ўтказмай, диплом

сиз қолдириб мен ҳам зулм қилсам ўзимни кечиролмасдим. Кўнглим бузилиб, уч баҳо қўйдим-да, талабага:

— Лекин унутманг, қачон ишга жойлашсангиз аввал, албатта яхши бир устоздан сабоқ олинг. Сизга оқ йўл!.. — дедим. Бу воқеа юрагимга оғир тош каби юк бўлди. Аммо вақт даво экан ҳаммасига. Йиллар сурони битта уч баҳоим билан қутулиб қолган Очиловни ҳам ҳаёлимдан фаромуш қилди буткул.

Йиллар ўтиб Аллоҳ менга ўғил фарзанд берди. Бир куни чақалоқ ўғлим билан узоқроқ қишлоқдаги қариндошларимникига отландим. Йўлда биз ўтирган автомашина бузилиб, етти ёт бегона жойларда чақалогим билан қолиб кетдим. Атрофда на дарак йўқ, на бир гиёҳ. Узоқдан қишлоқ, уйлар кўринади. Қучоғимдаги ўғлим биғиллаб йиғлар, ўзим чор-атрофга кўрқиб аланглаб туравердим. Бир пайт "Устоз, устоз!" деган овоз чалинди қўлоғимга. Баттар кўрқиб кетдим. Узоқдан аллам-бало кийиб олган, шимини тиззасига шимариб олган, оёқлари лой, елкасида кетмон билан бир йигит мен томонга қараб қулиб келаётганди. Нотаниш эркакнинг мен томонга келаётганини кўриб баттар кўрқиб кетдим ва жон ҳолатда боламини бағримга босиб юришга шайландим. Йигит югургилаб орқамдан етиб олди:

— Устоз, Муҳаббат опа, яхшимиз-сиз? Ассалому алайкум! Мен ўша сиз имтиҳондан ўтказиб, диплом олишига ёрдам берган Очиловман! — деди йигит шоша-пиша. У жавобимни ҳам кутмай менга раҳмат ёғдира кетди: — Уйга юринг, меҳмоним бўлинг, опа — деди анча тўлишиб, қувватга кирган собиқ талаба Очилов. Унамандим. Қоронгу тушмай уйимга етиб олишим кераклигини айтдим.

— Унда мени қутиб турунг, бир пасда чиқаман, — деди.

Бироздан кейин Очилов тоза кийимларини кийиб, машинасига мевалардан солиб чиқди. Машинасига қикдим. Йўл бўйи миннатдорлигини айтиб келди.

— Ушанда тўғри айтган экансиз. Ҳозир қишлоғимизда фельдшер бўлиб ишлаяпман. Имтиҳондан ўтказмаганингизда, диплом ололмаганимда отам мени уриб ўлдириши ҳам мумкин эди. Яхшилигингизни бир умр унутмайман, устоз. Айтганингиздай тиббиёт соҳасини ўрганапман, шу билан бирга олий ўқув юртига ўқишга киришга ҳам тайёрланяпман. Боғимизнинг мевалари сероб бўляпти, онам ҳам, сингилларим ҳам хурсанд. Энди Аллоҳ ёрлақаб олий ўқув юртига кириб олсам бўлди, бошқа армоним қолмас эди, — деди собиқ талабам.

Уйга етиб келдик. Очилов менга қайта — қайта миннатдорлик билдириб ортига қайтди. Ўша куни амин бўлдимки, яхшилик ҳеч қачон исиз, бесамар кетмас экан...

Умида ТУРСУНОВА

*“Дардини табибдан яширса инсон,
Кўзидан ёш эмас, бир кун оқар қон”*

**Дарҳақиқат, улуг мутафаккир
Абдулқосим Фирдавсий юқоридаги
ҳикматни қоғозга туширганида нақадар
ҳақ эди. “Касалликни даволагандан кўра,
унинг олдини олган яхшидир”. Тилимизда
кўп учрайдиган бу иборага ҳамма ҳам риоя
қиляптими?**



омили – сабрли бўлиш лозимлиги тушунтирилди. Исми-шарифини ошкор қилмасликни илтимос қилган бемор шифокорлардан миннатдор эканлиги, кўрсатилган тиббий хизматдан мамнунигини таъкидлади. Бу ерда даволаш учун кенг имкониятлар яратилганидан хурсанд.

– Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва сил инфекциясидан ҳимоялаш, сил ва ўпканинг носпецифик касалликлари

BEMORGA MALHAMDEK

hayot bag'ishla...

Тан олиш керак, айрим кишилар иш, турмуш ташвишлари билан банд бўлиб, ўз вақтида тиббий кўриқдан ўтмасдан, бемор бўлгандан кейин боши ёстиққа теккач, даволана бошлайди. Бунда анча кеч бўлади. Шунинг учун ҳам ҳар бир киши ўз соғлигига етарли даражада аҳамият бериб, ўз вақтида тиббий кўриқдан ўтгач, текширишлар натижасида аниқланган касалликни даволаш осон кечади. Айниқса, сил касаллиги аниқланган беморларда бунга алоҳида аҳамият бериш керак...

– Касбим механизатор. Кўп йиллар қишлоқ хўжалиги соҳасида ишладим. Онда сонда шамоллаб, ўзим билганча дори-дармон билан даволаниб юрдим. Баъзан укол билан кифояландим. Дастлаб грипп билан бошланган касалликка безътибор бўлдим. Бу ёғи тирикчилик. Рўзгор ташвишлари, болачақа деб ўз соғлигимга етарли аҳамият бермаган эканман. Ўтган йилнинг октябрь ойида шамоллаш билан бошланган касаллигим кучайгач, шифокорга учрадим. Улар обдон текширишди. Рентген кўригидан ўкагач, ҳаммаси аён бўлди. Силга чалинган эканман. Аслида биринчи шамоллаш бошлангач, шифокорга учрашиш лозим экан. Йўлланма орқали вилоят фтизиатрия диспансерида даволанялман. Шифокорларга раҳмат, соғлигим анча яхшиланди.

Бу Қашқадарё вилояти фтизиатрия диспансерида даволанаётган 58 ёшли беморнинг сўзлари. Айни пайтда вилоятда фтизиатрия йўналиши бўйича 19 муассаса бўлиб, уларда 131 нафар олий маълумотли, 679 нафар малакали ўрта тиббиёт ходимлари фаолият олиб бормоқда. Шифокорларнинг 27 фоизи олий, 39 фоизи биринчи ва 10 фоизи иккинчи тоифали бўлиб, улар етарли малакага эга.

Тиббиётни ислоҳ қилиш Давлат дастури доирасида 2015-2017 йилларда вилоят фтизиатрия диспансерида катта ҳажмдаги қурилиш ва



ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Барча қулайликларга эга бўлган уч қаватли асосий бино қурилиб, операция блоки, реанимация, (корокал хирургия) кўкрак жарроҳлиги бўлимлари ишга тушди. Шинам, кенг ва ёруғ хоналарда беморлар учун барча қулайликлар яратилган.

Вилоят фтизиатрия диспансери бош врачлари ўринбосари Шокир Рўзиев ҳамроҳлигида 2-даволаш бўлими фаолияти билан танишдик. Олий тоифали шифокор Шухрат Хўжаев раҳбарлик қилаётган ушбу бўлим 35 ўринли бўлиб, 30 нафар малакали тиббиёт ходимлари фаолият кўрсатишяпти.

– Ўн беш йилдан буён ушбу бўлимда фаолият кўрсатаман, – дейди тиббиёт ҳамшираси Муҳайё Қулмуродова. – Шифохонанинг илгариги ҳолати билан ҳозиргисини таққослайдиган бўлсак, ер билан осмонча фарқи бор. Замонавий тиббиёт ускуналари, беморлар учун зарур шарт-шароитлар яратилганлиги уларнинг даволаниш мuddатларини қисқартириш имконини беради. Ҳамкасбарим Шахло Раҳимова, Иқбол Бердиева, Умида Абдухолова каторида беморларни даво-

лашга баҳоли-қудрат ҳисса қўшаётганлигимдан мамнунман. Ҳар бир бемор алоҳида эътиборда.

Тиббиёт фанлари номзоди, олий тоифали шифокор Шохиста Алимова раҳбарлигидаги болалар бўлими 30 ўринли бўлиб, бу ерда даволанаётган болалар учун барча имконият яратилган. Бир ва икки кишилик шинам хоналар, замонавий ошхона, телевизор жажжилар ихтиёрида. Ўз касбининг фидойиси бўлган тиббиёт ҳамшираси Дилфуза Ҳалилова даволанаётган ҳар бир бола кўнглига йўл топади.

Ҳар бир шифокор болаларни нафақат дори-дармон, балки ширин сўзи, меҳрли табассуми билан даволаётганлиги бемор болаларнинг тезроқ соғайиб кетишига йўл очмоқда. Шу туфайли 6 ёшли Зафаржоннинг соғлигида ижобий ўзгаришлар сезилди. Бу албатта ушбу оилага қувонч олиб келмоқда.

Жарроҳлик бўлимида даволанаётган Гулшан опанинг сўзларига қулоқ тутдик:

– Бир неча йилдан буён бу дарддан қийналардим. Кўп марта шифохонада даволаниб, муолажалар олдим. Шифокорлар дарддан

кутулишининг йўли жарроҳлик амалиётини қўллаш кераклигини тушунтиришди. Операция қилиш учун Самарқанд ёки пойтахтга боришимга тўғри келишини ўйладим. Бунинг учун анчагина пул керак бўларди. Небахтки, давлатимиз раҳбарининг тиббиётни ислоҳ қилиш Давлат дастури доирасида қайтадан таъмирланиб, замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган вилоят фтизиатрия диспансерида ҳам жарроҳлик амалиёти ўтказилаётганлиги мени қувонтирди. Узокқа боришга ҳожат қолмади. Азамат Шарипов, Маъруф Равшанов, Музаффар Ҳамзаев ҳамда Нурбек Бўриев сингари қўли энгил шифокорлар ўпқада жарроҳлик амалиётини ўтказганликлари натижасида дарддан фориғ бўлдим. Эндиликда ўзимни яхши ҳис қиляпман. Палаталар озода ва шинам. Шифокорларнинг ширин сўзлигини айтмайси-ми! Бундан оила аъзоларим ҳам хурсанд.

Жорий йилнинг илк кунларида даволаш муассасасида бошланган жарроҳлик амалиёти беморлар дардида дармон бўлмоқда. Дастлабки операция тиббиёт фанлари доктори, профессор Примкул Назиров ҳамда тиббиёт фанлари доктори Дониёр Абдурахмоновлар томонидан муассаса шифокорлари билан ҳамкорликда амалга оширилган бўлса, эндиликда умуртқа сили, бўйрак сили, урологик таносил аъзолари сили бўйича операциялар бевосита диспансер жарроҳлари томонидан бажарилаётир. Ҳозиргача 20 дан ортқ беморга жарроҳлик амалиёти қўлланилди. Бу эса вилоятда ушбу касаллик билан оғриган беморларга кўрсатилаётган катта имконият.

...Сил касаллиги билан оғриган бемор жонлантириш бўлимига ётқизилди. У анча ҳолсизланган. Иштаҳаси йўқ. Беморга зарур муолажалар қилиниб, амалий ёрдам кўрсатилди. Жонлантириш бўлимининг навбатчи жарроҳи Арслон Бердиев, навбатчи ҳамшира Дилафруз Қодировалар беморнинг саломатлигини назорат остига олишган. Кўрсатилган тиббий муолажалардан сўнг беморнинг чехраси анча ёришди. Парҳезга аҳамият бериши, касалликни даволашнинг асосий

тарқалишининг олдини олиш, барқарор санитария-эпидемиология ҳолатини сақлаб туриш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар амалга оширилмоқда, – дейди вилоят фтизиатрия диспансери бош врачлари, олий тоифали шифокор Азимжон Обибиётни ислоҳ қилиш Давлат дастури доирасида қайтадан таъмирланиб, замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган вилоят фтизиатрия диспансерида ҳам жарроҳлик амалиёти ўтказилаётганлиги мени қувонтирди. Узокқа боришга ҳожат қолмади. Азамат Шарипов, Маъруф Равшанов, Музаффар Ҳамзаев ҳамда Нурбек Бўриев сингари қўли энгил шифокорлар ўпқада жарроҳлик амалиётини ўтказганликлари натижасида дарддан фориғ бўлдим. Эндиликда ўзимни яхши ҳис қиляпман. Палаталар озода ва шинам. Шифокорларнинг ширин сўзлигини айтмайси-ми! Бундан оила аъзоларим ҳам хурсанд.

Жорий йилнинг илк кунларида даволаш муассасасида бошланган жарроҳлик амалиёти беморлар дардида дармон бўлмоқда. Дастлабки операция тиббиёт фанлари доктори, профессор Примкул Назиров ҳамда тиббиёт фанлари доктори Дониёр Абдурахмоновлар томонидан муассаса шифокорлари билан ҳамкорликда амалга оширилган бўлса, эндиликда умуртқа сили, бўйрак сили, урологик таносил аъзолари сили бўйича операциялар бевосита диспансер жарроҳлари томонидан бажарилаётир. Ҳозиргача 20 дан ортқ беморга жарроҳлик амалиёти қўлланилди. Бу эса вилоятда ушбу касаллик билан оғриган беморларга кўрсатилаётган катта имконият.

Жорий йилнинг илк кунларида даволаш муассасасида бошланган жарроҳлик амалиёти беморлар дардида дармон бўлмоқда. Дастлабки операция тиббиёт фанлари доктори, профессор Примкул Назиров ҳамда тиббиёт фанлари доктори Дониёр Абдурахмоновлар томонидан муассаса шифокорлари билан ҳамкорликда амалга оширилган бўлса, эндиликда умуртқа сили, бўйрак сили, урологик таносил аъзолари сили бўйича операциялар бевосита диспансер жарроҳлари томонидан бажарилаётир. Ҳозиргача 20 дан ортқ беморга жарроҳлик амалиёти қўлланилди. Бу эса вилоятда ушбу касаллик билан оғриган беморларга кўрсатилаётган катта имконият.

Жорий йилнинг илк кунларида даволаш муассасасида бошланган жарроҳлик амалиёти беморлар дардида дармон бўлмоқда. Дастлабки операция тиббиёт фанлари доктори, профессор Примкул Назиров ҳамда тиббиёт фанлари доктори Дониёр Абдурахмоновлар томонидан муассаса шифокорлари билан ҳамкорликда амалга оширилган бўлса, эндиликда умуртқа сили, бўйрак сили, урологик таносил аъзолари сили бўйича операциялар бевосита диспансер жарроҳлари томонидан бажарилаётир. Ҳозиргача 20 дан ортқ беморга жарроҳлик амалиёти қўлланилди. Бу эса вилоятда ушбу касаллик билан оғриган беморларга кўрсатилаётган катта имконият.

Жорий йилнинг илк кунларида даволаш муассасасида бошланган жарроҳлик амалиёти беморлар дардида дармон бўлмоқда. Дастлабки операция тиббиёт фанлари доктори, профессор Примкул Назиров ҳамда тиббиёт фанлари доктори Дониёр Абдурахмоновлар томонидан муассаса шифокорлари билан ҳамкорликда амалга оширилган бўлса, эндиликда умуртқа сили, бўйрак сили, урологик таносил аъзолари сили бўйича операциялар бевосита диспансер жарроҳлари томонидан бажарилаётир. Ҳозиргача 20 дан ортқ беморга жарроҳлик амалиёти қўлланилди. Бу эса вилоятда ушбу касаллик билан оғриган беморларга кўрсатилаётган катта имконият.

Шавкат СУЛТОНОВ,
“Оила ва жамият”
муҳбири.
Муаллиф оған суратлар.

Оила ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган, халқимизнинг муқаддас урф-одатлари сайқал топадиган, келажак авлод камолотиغا бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир. Конституция-мизнинг 63-моддасида “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади”, дея белгилаб қўйилган. Мазкур тамойил асосида мамлакатимизда оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, унга моддий ва маънавий кўмак бериш чоралари кўрилмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, йигит-қизларнинг турмуш қуриш ёши оила мустақамлигига таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан биридир. Афсуски, айрим ота-оналар кўпинча фарзандининг келажак тақдирини, бахт-саодатини ўйламай, ҳали балоғат ёшига етмаган қизини узатиш ёки қариндошимнинг қизи бегона бўлмасин, деб ўғил уйлантириш тараддудига тушади. Бунинг оқибатида қизларни ўн олти, ҳатто ундан кичик ёшда турмушга узатиб юбориш ҳоллари учраб туради. Аммо бу кўп ҳолатларда бўлғуси онанинг саломатлиги ва руҳиятига, қолаверса, ёш оиланинг мустақамлиги, туғилажак фарзанднинг соғломлигига салбий таъсир кўрсатади.

Ҳар бир ота-она ўз фарзандининг бахтли бўлишини истайди, албатта. Лекин қизимни тезроқ турмушга берсам, хотиржам бўлардим, деган нотўғри қараш билан қайсидир маънода ўз ҳаловатини ўйлайдиган, фарзандининг ўқишни давом эттириши ёки эгаллаган касби бўйича ишлашига тўқинлик қиладиган ота-оналар ҳам йўқ эмас.

Никоҳда етуклик деганда оила қурувчи ёшларнинг жисмоний, жинсий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий, психологик каби етуклик жиҳатлари кўзда тутилади. Психологлар тавсиясига кўра эрта (16-17 ёшда) ва кеч (28-30 ёшдан кейин) оила қуриш мақсада мувофиқ эмас. Ниҳоятда эрта ёшда оила қуриш ва иккисини ҳам ёши 17-18 бўлиши,



ERTA TURMUSHNING salbiy oqibatlari

йигитнинг оила бошлиғи сифатида шаклланишига салбий таъсир қилиши мумкин. Қиз бола 17, баъзан 16 ёшда ҳам оналик, уй бекалик вазифаларини бажаришга тайёр бўлиши мумкин, аммо 17 ёшдаги йигит ҳали тўлақонли оила боши вазифасини бажаришга тайёр бўлмайди. Баъзида бу келиннинг кўёвни етарли даражада ҳурмат қилмаслигига сабаб бўлиши мумкин.

Кеч оила қуришни мақсадга мувофиқ эмаслиги ёш улғайган сари (айниқса, қизларда) оила қуриш имконияти пасаяди, аммо турмуш ўртоқ танлашдаги мезонлар кескин ортади. Ҳар бир “номзоддан” турли камчиликлар топилаверади. Бу масалада шошилиш ҳам, кеч қолиш ҳам хатоликларга олиб келиши мумкин.

Бундан ташқари, тиббиёт мутахассислари томонидан қизларнинг 16-18 ёшларда она бўлиши жиддий муаммоларни келтириб чиқариши мумкинлиги аниқланган. Кўп ҳолларда бундай ёшдаги қизларда соғлом фарзандни дунёга келтиришида турли муаммолар келиб чиқади. Қизларнинг жисмонан ва руҳан оналикка тайёр бўлмасдан оила қуриши кўпинча тўғриқараёнда ўлим хавфи ортишига сабаб бўлади. Бинобарин, эрта ҳомиладорлик ёш она ҳамда бўлажак фарзанд учун ҳар томонлама хавфлидир. Аёл қанча ёш бўлса, ҳомиладорлик давридаёқ турли касалликлар кучаяди, йўлдош етишмовчилиги, суяклар тизимида рўй берадиган ўзгаришларнинг салбий оқибатлари кўп бўлади. Эрта ҳомиладорлик кўпинча бола тушиши

ёки ўлик туғилиши билан тугайди, бу ҳолат ҳомиланинг нуқсонли ривожланиши сабабли ҳам она, ҳам бола саломатлигига катта хавфдир. Бундай асоратлар кейинги ҳомиладорликнинг нормал кечиши ва туғруқнинг табиий равишда амалга ошишига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Жамиятимизда шу каби салбий иллатларнинг олдини олиш мақсадида хотин-қизлар кўмитаси томонидан соғлиқни сақлаш бошқармаси ва бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда жойларда “Соғлом оила”, “Соғлом турмуш”, “Репродуктив саломатлик”, “Бола парвариши” каби мавзуларда давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилмоқда. Умумтаълим мактаб ўқувчилари учун “Соғлом авлод асослари”, “Саломатлик дарслари” каби фан машғулоти ташкил этилаётди. Урта махсус касб-хунарт таълими муассасаларида “Репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш”, “Оила ва никоҳ”, “Соғлом турмуш тарзи ва оила” дарслари йўлга қўйилган.

Қизларнинг оилавий ҳаётга жисмонан, маънан ва руҳан, репродуктив ва жинсий ҳаёт маданиятига тайёр бўлмаган ҳолда эрта турмушга чиқишлари қуйидаги оқибатларга олиб келмоқда:

1. Ёш оилалар орасида ажралишларнинг кўпайиши, ажралишлар дастлабки беш йилда рўй беради.
2. Туғиш вақтидаги мураккабликлар; туғиш ва ҳомиладорлик ўртасидаги оралик муддатининг



қисқариши.

3. Биринчи бор тугаётган ва 20 ёшгача бўлган ёш аёллар ўртасида ўлимнинг кўпайиши.

Оила кодексига қизларнинг 17 ёшдан никоҳдан ўтиш ҳуқуқи белгилаб қўйилган. Бироқ ҳали қизи 15-16 ёшда эканига қарамай, уни тезроқ турмушга беришга ошиқадиган ота-оналар ҳам учраб туради. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида “Оила дорилфунуни” машғулотида, аҳоли ўртасида ўтказилаётган тадбирларда қизларнинг барвақт турмушга чиқиши туфайли юзага келадиган муаммолар тушунтирилмоқда. Қизларнинг барвақт турмуш қуриши кўпинча ота-оналарнинг хоҳиш-истағига кўра бўлаётганини ҳисобга олиб, бу масалада маҳаллалар ролини кучайтиришга эътибор қаратилаётди.

Шу ўринда савол туғилади: оилаларда соғлом муҳитни мустақамлаш, қизларни эрта турмушга беришининг олдини олиш мақсадида хотин-қизлар кўмиталари раислари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари томонидан жойларда олиб борилаётган кенг кўламли ишларга қарамай, нега юқоридаги каби ҳолатлар ҳамон давом этмоқда?

– Халқимиз орасида қизларнинг катталар, айниқса, ота-она раъйига қарши бормаслиги одатга айланган, – дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими фаолларидан бири. – Кўпинча эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг қайд этилишига ана шу ҳолат сабаб бўлмоқда. Бунинг олдини олиш мақсадида мактаб, коллеж ўқувчилари билан эрта турмушга чиқиш ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари каби мавзуларда давра суҳбатлари, маънавий-маърифий тадбирлар, очиқ мулоқотлар ўтказмоқдамиз.

Шуни унутмаслик лозимки, соғлом фарзанд соғлом онадан дунёга келади. Ёшларда соғлом ва аҳил оила қуриш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга интилишни рағбатлантиришдек эзгу ишлар замирида, аввало, баркамол авлодни вояга етказишдек эзгу мақсад мужассамдир.

Раҳим ОЧИЛОВ,
Фуқаролик ишлари бўйича
Жиззах вилояти суди
судья катта ёрдамчиси

SHOSHILMA QIZGINA, SHOSHILMA

Қизларни эрта турмушга беришнинг салбий оқибатларига ҳаётини ва касбий тажрибам давомида кўп бор гувоҳ бўлганман. Қиз бола ниҳолдек гап, уни тўғри парваришлаш лозим. Жисмоний ва руҳий жиҳатдан никоҳга тайёр бўлмаган қизни турмушга бериш, сузишни билмаган одамни дарёга ташлашдек бир гап.

Бухоро тумани “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 578 нафар навроста қиз истиқомат қилади. Уларни катта ҳаётга тайёрлаш, руҳий ва жисмоний тарафдан камолга етказиш борасида турли чора-тадбирлар мунтазам ўтказиб келинади. Маҳалла ҳудудидаги таълим муассасаларида

“Қизларжонлар клуби” ташкил қилинган бўлиб, унинг аъзолари билан турли мавзуларда қизқарли тадбирлар ўтказиш одатга айланган. Яқинда “Шошилма қизгина, шошилма” мавзусида давра суҳбати ташкил қилинди. Тадбирда иштирок этган туман “Қизлар маслаҳатхонаси” гинеколог варачи Мастура Файзиева ва ФХДЁ мудариси Феруза Ҳақимовалар қизларга эрта турмуш қуришининг салбий оқибатлари ҳақида ҳаётини мисоллар асосида сўзлаб берди.

– Ҳаётини тажрибам ва касбим тақозоси билан гувоҳ бўлган ҳодисалардан шунга аминманки, эрта турмуш ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди, – деди гинеколог М.Файзиева. – Қиз болани 20-21 ёшда турмушга берган маъқул. Зеро, шу ёшдагина унинг организми фарзанд кўришга, оилавий ўзгаришларга тайёр бўлади.

– Эрта турмуш қурганлар орасида ажрашиш-

лар сони кўпроқ қузатилмоқда, – деди туман ФХДЁ мудариси Ф.Ҳақимова. – Чунки, 16-18 ёшда инсон шахс сифатида ҳали тўлиқ шаклланиб улурмаган, дунёқарши анча тор, ҳаётини тажрибаси деярли йўқ бўлади. Бундай қизлар она бўлганда фарзандини қандай тарбиялайди, қолаверса, бегона уйдаги қонун-қоидаларга мослаша оладими? Бундан ташқари, бу ёшда турмушга чиққан қизлар ҳали бир касбни тўлиқ эгалламаган бўлади. Турмуш қургач, оила ташвишлари, фарзанд тарбияси билан бўлиб, танлаган касби бўйича ишлашга вақт ҳам, имкон ҳам бўлмаслиги мумкин. Натижада унинг кўнглида турмушдан норозилик ҳисси уйғонади. Бу норозилик кучайиб, оилавий ҳаётга дарз етказиши ҳам мумкин.

Тадбир давомида йиғилганлар эрта турмушнинг салбий оқибатлари ҳаётини мисоллар билан тушунтирилди.

Дилафрўз БАҚОЕВА,
Бухоро туман “Дўстлик” МФЙ
мутахассиси.

GUNOHNING TOVONINI KIM TO‘LAYDI?

– Исминг нима, – дейман кўз қорачиғига мунг иниб қолган қизалоқнинг жажжи кўлчасидан ушлаб.

– Шаҳризода, – дейди биздан сал нарироқда деразадан ташқарига қараб турган дадасидан нигоҳларини узмай.

Аммо ота ўзини бепарво тутганча қизча томонга қарамасликка ҳаракат қиларди.

Ажрим ёқасига келган оилаларни яраштириш комиссияси суҳбатидан чиққан ёшгина келинчак кўз ёшларини артиб, онасининг кўлидаги қизалоқни олиб бағрига босди. Юм-юм йиғлади.

– Тиз чўкиб кечирим сўра десалар ҳам, розиман, опажон! Фақат... фақат бир ўтинчим ажрашмайлик, дегандим... Ажрашишга... қандай кўнаман?!... Ахир... ахир... икки қизим бор, буларнинг келажиги нима бўлади?!

Онасининг кўз ёшларини жажжи кўлчалари билан артаётган Шаҳризода лаблари чўччайиб, қандайдир номсиз армон кўксига тикилиб, томчи бўлиб узун-узун киприкларига осилиб қолган кўз ёш оқиб тушса нимадир бўлаётгандек жавдирарди. Воқеага гувоҳ бўлган борки, ҳаммининг дили ғашланди, ихтиёрсиз кўз ёшлар оқди... Бироқ, келинчакнинг бу аҳволи ҳам, икки норасида гўдакнинг уволи ҳам Шермат (исмлар шартли равишда ўзгартирилди)нинг кўнглини юмшатмади.

– Ажрашман, тамом, васалом! Мендан ўтганини ким ҳам биларди?! Бир аразлаб кетганида 3 йил йўқ бўлиб кетди. Орага катталар тушибди, қариндош-уруғ кўшилиши яна қабул қилдим... Аммо аҳвол ўзгармади... Иложим йўқ. Мени тўғри тушунинглар. Алимент тўлаяпман. Болаларимдан воз кечганим йўқ. Уларни ташлаб

қўймайман.

Оилани яраштириб бўлмади. Рухободликлар: “Шермат икки боласи билан Шаҳридадан ажрашмай туриб, тўй-томоша қилиб Вобкентдан уйланыпти, бу кеча тўй”, деб пичирлашса-да, яна томошабин бўлиб тўйга боришди. Гийбат, миш-миш болалагандан болалади. Аммо ҳеч ким бу хатони тузатиш чорасини кўрмади. “Менга нима?” қабилда лоқайдлик ва бепарволик тўнига ўраниб олди.

Энди ҳолатни таҳлил қиламиз. Гарчи вақтни орқага қайтариб бўлмаса ҳам.

Ризамат ота ва Мўътабар ая кенжатоий Шерматни уйлантираётганида келин танлашда адашишди. Нега? Чунки Шоҳида эндигина 9-синфни тугатган, ҳатто коллежда ҳам ўқиб улгурмаган эди. Шу қизни келин қиламан деб туриб олишди. Қариндош-уруғчилик ришталари узилиб кетмасин, деган хомхаёлга боришди. Ушбу тўйга бош-қош бўлиб давраларни тўлдириб ўтирган маҳалладагилар ҳам, фаоллар

Онасининг кўз ёшларини жажжи кўлчалари билан артаётган Шаҳризода лаблари чўччайиб, қандайдир номсиз армон кўксига тикилиб, томчи бўлиб узун-узун киприкларига осилиб қолган кўз ёш оқиб тушса нимадир бўлаётгандек жавдирарди. Воқеага гувоҳ бўлган борки, ҳаммининг дили ғашланди, ихтиёрсиз кўз ёшлар оқди...

ҳам бир сўз дейишмади, эътироз билдиришмади...

Катта ҳаёт остонасида турган Шермат ҳам хато қилди. У олий маълумотли, эпчил, ишбилармон, абжир йигит. Ўзининг мустақил фикрини, Шоҳидани севмаслигини, норозилигини ота-онасига айта олмади. Худди синглиси каби кўз ўнгиде ўсган Шоҳиданинг ўта

тортинчоқлиги, ёшлиги бошда унга маъқул кўринди. Ёш ниҳол қайси томонга қайирсам ўша томонга қараб ўсади деб ўйлади.

Келинчакнинг ота-онаси Малика опа ва Абдурахмон акалар-чи?! Қизларига совчи келганида хурсандликларининг чеки йўқ эди. Аммо: “Қизимиз турмуш қуришга тайёрми? У қайнона-қайнота инжиқликларига чидармикан? Эрининг кўнглига йўл топа олармикан”, деган саволлар билан бош қотириб ўтиришмади. Карнай-сурнай садолари, совға-салом, саруполар гирдобиде қолишиб, буну унуттишди.

Шоҳида ёш эди, жуда ёш эди... У оппоқ либос кийиб алпдек ёри ёнида бўлган дақиқалар, келинг, кунлар ёки ойлар дея қолайлик ўша лаҳзаларни, турмушга чиқиб деб билди... Икки фарзандни дунёга келтирди. Эҳ-ҳе, бу орада нималар бўлмади дейсиз, унинг бу рўзгорга кўникиши қийин кечди...

Уриш-яраш, уриш-яраш билан 5 йил ўтди. Қонуний ажрашмаганини билиб туриб Шерматга тегишга розилик берган қиз, унинг ота-онаси хато қилмади деб ўйлаисизми? Наҳотки

уларни, қизини сўроқлаб келган бўлажак куёв ким, нега ажрашди, деган саволлар ўйлантирмаган? Ўйланган икки нафар фарзандини аро йўлда сарсон-саргардон, бировларга зор қилиб, зориқтириб қўйган бу йигит уларнинг қизига вафо қилармикан?...

Ёхуд вобкентлик янги келин яшаётган маҳалласи мутасаддилари-чи?! Қонуний ажрашмаган куёвга ким никоҳ ўқиди? Саволлар, саволлар...

Вақт югурик. У ҳеч нарса билан, ҳеч ким билан ҳисоблашмайди. Ана, мана демай Шаҳризода ва синглиси Маржона улғайишди. Аммо бир умр юрагида армон юкини кўтариб юриш ҳам оғир. Улар оталари эркалаб байрамлар, сайилларда юрган тенгдошларини кўришганда ҳам, дугоналари отаси ҳақида тўлиб-тошиб гапиришганда ҳам бир оғриқ кўксиларини ларзага келтириб ўтаверарди. Турмушга чиқишаётганида ҳам отаси билан онаси ажрашишган экан-да, деган гап-сўзлар тўфониде қийналиши, эр уйида бу борада дақиқ-дашном эшитмаслигига ҳам қафолат йўқ. Мана бу хатолар, сабрсизлик ва қаноатсизлик жабрини ким тортади?! Аммо улар айбисиз. Бу гуноҳнинг товонини ким тўлайди?!

Бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш, болалар турик етим бўлиб қолмаслиги учун маҳаллакўй, кўни-кўшни, ҳар биримиз масъулмиз. Буну унуттишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

**Моҳира ШАКАРОВА,
“Оила” ИАТ маркази
Бухоро вилоят
бошқармаси бош
мутахассиси.**

НАММАСИ YONIB KUL BO‘LIBDI...

– Шу нарсаларимни сотмоқчийдим, – ийманибгина кўлида тўрт - беш ойлик чақалоғини кўтариб олган жувон ишлатилган нарсаларини кўрсатиб, сотувчи аёлга илтижоли боқди.

– Боламга чақалоқлар бўтқаси билан таглик олмақчийдим, илтимос, ола қолинг, – ялинди аёл.

– Ҳаммасига 30 минг бераман.

– Аааа? Ахир яп-янги кўйлақлар-ку, опа! Бир марта кийилган холос.

– Ана кийилган экан-ку! 5 та

кўйлақка 30 минг. Бўлмаса бошқага кўрсатинг. Жувон атрофдагилардан уялиб кетди.

– Майли, олақолинг, – деди йиғлагудек бўлиб.

Сотувчи аёл куймалана-куймалана ҳамма ерни қараб чиқди. Сўнг жувонга гап қотди:

– Қизим, пулим тугаб қолти, шу атрофда турсангиз кечга ташлаб ўтсам бўладими? Албатта, бераман. Бировнинг ҳаққи керакмас менга. Жувон нима

дейишини билмай қолди.

“Майли” деди синиққина. Телефон рақамини қолдирди. Уят ва номусдан йиғлаб юбормаслик учун лабини тийлаб, боласини қаттиқ кучоқлаганча йўлақка қараб юрди...

Орадан бир ой ўтиб автобусда икки аёлнинг суҳбати қулоғига чалинди.

– Ҳаммаси ёниб кул бўлибди. Ҳеч нарса қолмабди. Энди ундай уйни қургунча она сутим оғзимга келади.

Жувонга овоз таниш туюлди.

Ялт этиб орқага қаради. Нигоҳлар тўқнашди. Сотувчи аёл шошганча сумкасини қовлади.

– Жон синглим, рози бўлинг, – деди йиғлаб бир сиқим пул узатганча.

– Қўяверинг, мен розиман. Янги уйингизга ишлатарсиз, – деди жувон ва кейинги бекатда тушиб, ёшли кўзларини артди.

Саида ИБОДИНОВА

UYLAR BEPARDA BO'LSA..



Кампир оҳиста хона-сидан чиқди. Меҳмон-хонадан набира-си ва келинининг товуши эшитиларди:

— Уғлим, дастурхон тайёр, шўрвангни кўйдим, кела қол, совумасдан ичиб олгин.

Кампир ичкаридан олиб чиққан кўрпачани бурчакка ташлаб, устига ўтирди. Бола бувисини кўриб:

— Бувижон, келинг, бирга еймиз,- деди.

Кампир ўйга толиб, чуқур "ух" тортди-ю:

— Уйнинг эркаги келмагунча, дастурхонга ўтириш яхши эмас,- деди. — Бироздан кейин дадангиз келади, ўшанда ҳаммамиз биргаликда овқатланамиз, иншаа Аллоҳ...

— Бунақа одатлар эскилик-ку, ойижон, — деди келин қайнонасининг гап-пи-хушламайгина. — Ҳозир кимнинг қорни оч бўлса, дастурхонга ўтириб овқатланаверади. Эркак ишдан келганида ўзи овқатланади.

— Инсон ҳаёси ва одоби билан қанчалик гўзал бўлса, уйлар ҳам ҳаё ва одоб билан файзли бўлади, қизим, — деди қайнона.

Набира бу гапларнинг маънисига бормай, ҳайратланиб сўради:

— Уйнинг ҳам ҳаёси бўладими, бувижон? У қанақа бўлади?

— Биз болалигимизда ҳамма нарсадан аввал онамиз дадамизнинг олдида одоб сақлаб ўтиришни ўргатардилар. Уйда ота-онамизнинг олдида оёқ узатиб ўтирмасдик, катталар гаплашаётганда, биздан сўрамагунларича ўзимиз билганча гап қўшмасдик. Катталар хонага кирганида дарров ўзимизни йиғиштириб, ўрнимаздан турардик. Отамиз дастурхонга ўтирмаса, зинҳор емакка қўл чўзмасдик.

Отамиз келар, "Бисмиллоҳ" деб, овқатга таклиф қиларди. Сўнг ҳаммамиз ҳузур билан таомга қўл узатардик. Овқатдан кейин албатта дастурхон ва неъматлар учун дуо қилинарди. Бутун оила дастурхон бошида жам бўлиб ейилган таомдан лаззатлироқ егулик борми дунёда? Дастурхоннинг одоби ана шу билан, болам, — деди буви набирасининг бошини силаб.

Набиранинг кўзлари ҳайратдан катта-катта бўлди:

— Бунча кучли босим остида асабийлашиб, руҳий зикқикдан эзилмасмидиларинг, бувижон?

— Йўқ, болам, бизнинг пайтимизда ҳаё, ўзаро ҳурмат-эҳтиром бўлгани учун меҳр ҳам боқий эди. Меҳр бор жойда ҳеч ким асабийлашмайди, руҳий зикқикдан азият чекмайди. Таомлар шоҳона бўлмаса-да, лаззатли, уйқулар ҳаловатли эди. Мен oilavajamiat@mail.ru

"депрессия" деган сўзни биринчи бор шу ерда эшитдим. Қишлоғимизда бир ақли ноқис бор эди, "Иброҳим жинни" дердик. Ҳатто ўша тентак ҳам жуда бахтли эди. Ҳеч бир эшик уни бўш қайтармасди. Сочлари ўсса сартарош текислар, ҳаммомчи ювинтириб қўяр, жума кунлари қишлоқдагилар қўлидан тутиб намозга ҳам олиб боришар, ҳеч ким уни четга суриб қўймасди.

Бугун ҳурмат ҳам, эҳтиром ҳам қолмади. Шаҳарнинг уйларида ҳаё йўқ. Кеч тушганига қарамай уйларнинг пардалари ёпилмаган, хонадонларнинг ичи бемалол кўринад ётибди. Лекин ҳеч ким ҳаё қилмайди. Биз қоронғу тушиб улгурмай уйларимизнинг пардасини ёпиб, сўнг чироқларни ёқар эдик. Ҳатто пардалар тортилган бўлса-да, уст-бошимизни алмаштиришга уялардик, чироқни ўчириб, ерга ўтириб олиб кийимларимизни алмаштирардик. Соямизнинг ташқарига тушишини ўйлаганимизда ҳам юзимиз уятдан лов-лов ёнарди.

Шу орада келин ўрнидан туриб, хижолатли аллозда айвон пардаларини тортиб қўйди.

— Уйдагиларнинг ҳаёси дераза пардаларидан аён бўлади, дерди катталаримиз... — дея қайнона давом этди. — Уйлар баланд деворлар билан ўралганига қарамай, аёллар осиб кийимларини ҳовлига осиб қўймасдилар. Оила аъзоларидан иборат қилардилар. Мен кичкиналигимда шалваримни дорнинг олдинги ипига осган эканман. Онам шу заҳоти келиб: "Қизим, даданг ҳовлига чиқди, шалваринг осилдики эди, уятдан ер ёрилмадию, кириб кетмадим. Бошқа бундай қилма! Дорнинг энг орқасидаги ипга осиб қўй! Сўнг устига бирор нима ташлаб қўй. Остида нима борлиги кўринмасин. Ҳаё кетса имон қолмайди!" дедилар. Ун икки ёшли қиз эдим, онам менга бундай чиройли танбёх берар экан ерга кириб кетгудай уялдим. Ҳозир ундай эмас. Кеча тоза ҳаво олай деб айвонга чиққандим, рўпарадаги кўшни ювилган кийимларини осиб қўйган экан. Орасида ич кийимларгача бор. Уялиб

Биз қоронғу тушиб улгурмай уйларимизнинг пардасини ёпиб, сўнг чироқларни ёқар эдик. Ҳатто пардалар тортилган бўлсада, уст-бошимизни алмаштиришга уялардик, чироқни ўчириб, ерга ўтириб олиб кийимларимизни алмаштирардик. Соямизнинг ташқарига тушишини ўйлаганимизда ҳам юзимиз уятдан лов-лов ёнарди.

Шу орада келин ўрнидан туриб, хижолатли аллозда айвон пардаларини тортиб қўйди.

алайхи вассалам "Таомингизнинг ҳиди билан ҳам қўшингизга озор берман!" деб марҳамат қилганлар. Бугун таомлар ҳиди билан ҳам, уни намойиш қилиш билан ҳам атрофдагиларга азият берилади. Албатта, овқатлар билан ичингизга қайғу ва ғам қиради. Кейин "стресс", руҳий тушқунлик деб докторга югурасиз.

Хонадоннинг яна бир энг муҳим одоби бор: уйда рўй берган воқеалар, еб-ичилган нарсалар, тортишувлар, гап-сўзлар асло ташқарига чиқмаслиги керак. Бизнинг пайтимизда булар хонадон ҳаёси саналарди ва муаммолар ҳеч кимга гапирилмагани учун, уйда осонликча ечим топиларди. Зотан, Пайғамбар алайҳиссалом ҳам эр-хотин орасидагиларни атрофга ёйилиши катта гуноҳ бўлишини ҳадисларида эътироф этганлар, тўғрими Лайло?- дея сўради қайнона келинидан.

— Гапларингиз тўғри, ойижон, — деди келин хижолат чекиб.

— Бугун фейсбук деган бир нарса чиққан бувижон, — деди набира. — Одамлар қайси емакхонага боргани ва қандай овқатлар еганини суратга олиб, минглаб кишиларга кўз-кўз қиладилар.

— Вой, бу уят-ку, ахир, одам ҳеч замонда еган нарсасини ҳам мақтайдими?

— Вой, ойижон, одамлар ҳар хил ҳолатларини суратга тушириб интернетга қўядилар. Сайр қилганларини, харид қилган буюмлари, кийимларини, ҳатто эри совға қилган гуллару, ёзган севги изҳорларигача бошқаларга кўрсатадилар...

— Эҳ, болам-а, ҳали уйлар ҳаёсидан айрилди, қалблар яланғочланди,

десанг-чи?! — дея қайнонанинг кўзларига ёш келди.

— Биз кўча-кўйда эримиз билан ёнма-ён юришга ҳаё қилардик. Бева қолганлар бор, турмуш қурмаганлар бор, дея уларнинг кўнглини оғритишдан, ярасига туз сепишдан кўрқардик. Эримиздан бир қадам орқада юрардик. Бугун жанжаллар ҳам, севги ҳам очик майдонга чиқдимиз? Сирлар очилган жойда самимият ҳам қолмайди. Уйнинг баракаси — катталарга ҳурматда. Уйнинг иффи-ти пардасида. Меҳрнинг ҳаёси пинҳонлигида. Вужуднинг ҳаёси тасаттурдадир. Уят, ҳаё ва ибонимоннинг бир қисмидир. Онам бир ривоят айтиб бергандилар, ривоят эмас, аслида ҳадис, ҳадиси қудсийдир. Яъни, маъносидан Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи вассалам оғоҳ қилган, сўзлари У зотга Аллоҳдан келган ҳадис бу.

Шу ҳадиси қудсийда шундай дейилади:

"Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломни яратганида Жаброил алайҳиссалом унга уч ҳада олиб келди. Улар — илм, ҳаё ва ақл. "Эй, Одам, булардан бирини танла!" дедилар. Одам алайҳиссалом ақлни танлади. Жаброил алайҳиссалом ҳаё ва илмга ўрнига қайтишни буюрди. Шу он ҳаё ва илм шундай дедилар:

— Биз олами арвоҳда (руҳлар олами)да ҳар доим бирга эдик. Бир-биримиздан асло айрилмаймиз. Руҳлар жасадаг кирганидан кейин ҳам ўша ҳолатда қоладилар. Албатта, ақл қаерда бўлса биз ҳам унга тобе бўламиз.

— Ундай бўлса сизлар ҳам ўрнингизни топин! - дедилар Жаброил алайҳиссалом. Шунда ақл димоғда, илм қалбга, ҳаё эса кўзга жойлашди.

Бу ҳадиси қудсийдан англашилгани шуки, ҳаёнинг мақоми кўздадир. Шунинг учун ҳам кўзимизни асрашимиз, ҳам кўзга ташланадиган нарсаларга диққат қилишимиз керак.

— Ҳақсиз, ойижон, — деди келин ердан бошини кўтаролмай. — Биз иффиатимизни йўқотганимиз сари тубанликка чўкаямиз...

Набира қошиқни жойига қўйди: — Мен дадам келганларидан кейин овқатланаман...

Буви гаплари келини ва набираларига таъсир қилганидан мамнунлик туйиб, Аллоҳга ҳамд айтди...



Метрода бе-
хитиёр икки аёл-
нинг суҳбатига
гувоҳ бўлдим:
– Қаранг,
Замира опа
тирноғим
чиройли
бўлибдими?

Кеча юз минг сўмга шлак
қилдирдим, – деди ёшроқ аёл
бармоқларини ўйнатиб.

– Вой, Нилуфар, бунча
қиммат бўлмаса, пулинга
ачинмайсан ҳам-а?! Яқинда
синглим ҳам саксон мингга
шлак қилдирибди. Койиб бер-
дим. Битта тирноққа шунча
пул сарфлайдими одам?!

– Вой, Замира опа, юз минг
пулми ҳозир. Янги мақолни
эшитмаганмисиз, гўзаллик,
пул талаб қилади, – кулди
ёшроқ аёл. – Пул топилади,
аммо гўзаллигимизни топол-
май қоламиз.

– Билмадим, мен пулимни
бунақа нарсаларга сарфла-
гандан кура болаларимга
бирор фойдали нарса олиб
беришни маъқул кўраман.

Гўзал Отажоновна Талаба:
– Тирноқни шлак қилдириш
ҳозир урф бўлган, шахсан ўзим
ҳам жуда қизиқман. Иложи бо-
рича пул ажратиб тирноғимни
чиройли қилиб юргим келади.
Шу вақтгача таниш опала-
римга маникюрсиз 25-30 минг
сўмга шлак қилдираётган эдим.
Яқинда ўша шлак қотирадиган
ускунани, иш қуроллари ва ик-
ки-учта махсус лаки билан 180
минг сўмга сотиб олдим. Энди
тирноқларимни ўзим шлак
қиляман.

**Камола Норбоева. Дизай-
нер:**

– Тирноқларимни иложи бо-
рича доим бўяб, чиройли қилиб
юришни ёқтираман. Ҳозирги
замонда аёлларимиз гўзаллиги
учун ясама киприклар, кўзлар
учун махсус турли рангдаги
линзалар ва шунга ўхшаш нар-
салар кўпайиб кетган. Мен ҳам
замондан ортда қолмайин дея
киприк эктириб, линзалардан
фойдаланиб тураман, шу бил-
ан бирга тирноғимни ҳам шлак
қилдириб юраман. Одатда
Чилонзор туманида жойлаш-
ган “Нозанин” салонига 65-70
минг сўмга шлак(маникюри
билан) қилдираман. Баъзи-
да “нарашка”(сунъий тирноқ
қўйдиришни 100-120 минггача
қилдираман.

Тирноқларга зеб бериш

минлари
танқислиги
ҳақида-ку, айтиб
ўтирмаса ҳам бўлади.
Парҳез қилувчилар истеъмол
қиладиган озиқ-овқатларнинг
меъёрлашган бўлишига эъти-
бор қаратишлари лозим.
БУЙРАККА ОИД ЧИЗИҚЛАР

ТИРНОҚЛАР tilga kirganda

– Бу ҳар кимнинг ўз иши.
Нега тирноқларингизга бун-
ча кўп пул сарфлайсиз, деб
ҳеч кимни айблай олмаймиз.
Тирноқларингизга эътибор
қаратар экансиз, уларда учра-
ши мумкин бўлган касаллик-
лардан ҳам бохабар бўлиб
қўйсангиз зарар қилмайди деб
ўйладик, холос.

**ТИРНОҚЛАРГА ҚАРАБ ТАШ-
ХИС ҚЎЙСА БЎЛАДИМИ?**

Тирноқларнинг ташқи
кўриниши нафақат ораста-
ликдан, балки саломатли-
гингиздан ҳам дарак беради.
Тирноқлар танамизда
бўлаётган ўзгаришларни ўзида
акс эттириб турар экан.

Агар юрагингиз хаста бўлиб,
танада қон айланиши бузилган
бўлса, тирноқ кўкитир, сурун-
қали сариқ касалидан азият
чекканларнинг тирноқлари
эса кейинчалик сариқ ранга
киради. Оқ рангли тирноқлар
ошқозон ости безларининг зар-
рарланишидан, оч пушти ранги-
лиси камқонликдан, сутранг-
оқиши жигар серрозидан,
қора ранглиси эса елка арте-
риал томири тикилиши,
шунингдек, қанд касаллиги
қорасон хасталигидан дарак
беради. Агар тирноғингиз
хаворанг оқиш ёки бўр рангида
бўлса албатта невропатолог
ва гастроэнтерологга бориб
ўзингизни текширтинг.

“ПАРҲЕЗ”ЛИ ТИРНОҚЛАР

Тирноқлардаги тур-
ли ҳажмдаги оқ доғлар ва
чизиқларни мутахассислар,
“лейхонихия” деб атайдилар.
Улар кўпинча қатъий ва меъ-
ёрлаштирилмаган парҳез
қиладиганларда учрайди.
Айниқса, танада синк, калций
ва темир етишмаганда бу ҳол
кўп кузатилади. А, К ва Э вита-

– Тирноқларимни
иложи борича доим
бўяб, чиройли қилиб
юришни ёқтираман.
Ҳозирги замонда аёл-
ларимиз гўзаллиги
учун ясама киприклар,
кўзлар учун махсус тур-
ли рангдаги линзалар
ва шунга ўхшаш нарса-
лар кўпайиб кетяпти,
мен ҳам замондан орт-
да қолмайин дея киприк
эктириб, линзалардан
фойдаланиб тура-
ман, шу билан бирга
тирноғимни ҳам шлак
қилдириб юраман.



Баъзан тирноқларда жуфт-
жуфт, кўндаланг шаклдаги
чизиқлар пайдо бўлади. Бу
чизиқлар тиббиётда “Муерке
йўллари” дейилади. Бундай
ўзгаришлар сурунқали буйрак
хасталикларига чалинган ки-
шиларда учрайди. Чизиқлар
пайдо бўлганда тирноқлар тенг
иккига бўлингандек кўринади.

Пастки қисми оқ, тепа қисми
эса силлиқ ва пушти кўринишда
бўлади.

МАНИКЮР ЧИЗИҚЛАРИ

Баъзан тирноқларда “Бо”
чизиқлари пайдо бўлади. “Бо”
чизиқлари овқатни ҳазм қилиш
аъзолари ва жигар фаолияти
бузилганда ҳомиладорлик
ва ҳомиладорликдан кейинги
пайтларда, шунингдек, кучли
безгак хуружи ўтгач кузатилади.
Буларнинг ҳаммаси тирноқ
ўсишини тўхтатади ва маълум
вақтдан сўнг тирноқ тубида
чуқур-чуқур “жўяк”лар пайдо
бўлади. Бу эса аввал бўлгану,
кейинчалик ўтиб кетган, соғлик
билан боғлиқ муаммолардан
дарак беради. “Бо” чизиқларини

ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНАМИЗ

Шуни унутмангки, тирноқлар
ҳам меъёрлаштирилган озиқ-
овқатларга муҳтож бўлиб, улар-
да А, В2, В9 ва Э витаминлари-
га талаб катта бўлади. Шунинг
учун, тез-тез жигар, гўшт, балиқ,
сариеғ, творог, пишлоқ, тухум
сариги, ширин қалампир, по-
мидор, салат, нўхат, кўк пиёз,
петрушка, шовул, наъматак,
ўрик, нон, озиқ-овқат ачитқиси
ва кунгабоқар ёғидан истеъмол
қилиб туринг.

**ЧИРОЙЛИМИ ДЕМАК
СОҒЛОМ!**

Тирноқларни мустаҳкамлаш
учун бир ой давомида тиббиёт
желатинидан кунига 5 грамм-
дан енг, 4 ҳафтадан сўнг муо-
лажани яна қайтаринг.

**Мўрт ва қатланадиган
тирноқларга**

1 чой қошиқ озиқ-овқат желатини
устига ½ стакан қайнатиб
совутилган сув қуйиб, шиш-
гунча қуйинг. Сўнг шарбат ёки
мураббога қўшиб истеъмол
қилинг. Желатинни доимий
истеъмол қилиш тирноқларни
мустаҳкамлайди.

**Нозик ва қуруқ тирноқлар
учун**

Ҳафтада бир неча марта
тирноқ усти ва бармоқ учларини
артинг. Суриладиган ёғга А ва
Э витаминларидан қўшсангиз
фойдасини дарҳол сезасиз.

Фойдали дамлама

1 ош қошиқ ачамбити (пасту-
шей сумки) ва қичитқи ўт (кра-
пива) устуига 1 стакан қайноқ сув
қуйиб, 6-8 соат дамлаб қуйинг.
Кунига уч-тўрт маҳал, ½ ста-
кандан, 10 кун давомида ичинг.

**Тирноқлар учун ванналар
денгиз тузи билан**

1 литр илиқ сувга 1 чой
қошиқ ҳидсиз денгиз тузидан
солиб аралаштиринг. Сўнг
бу сувга 20 дақиқа давомида
қўлларингизни тиқинг. Муола-
жани 10 кун давомида танаф-
фуссиз бажаринг. Бир ойдан
сўнг яна такрорланг.

1 чой қошиқ желатин устига
½ стакан қайнатиб совутилган
сув қуйинг. Шишиқ чиққандан
кейин 10-15 дақиқа давомида
қўлларингизни тиқиб ўтиринг.
Бу муолажани 10-12 дақиқадан
сўнг такрорлаш мумкин. Же-
латинли аралашмани музлат-
кичда сақлаб, бир неча марта
фойдалансангиз бўлади.

Гўзаллиқни биринчи
ўринга қўювчи аёллар, унут-
манг, саломатлик бўлмаса,
гўзаллигингизнинг аҳамияти
қолмайди, шундай экан, ҳар
битта майда деталларга эъти-
борли бўлинг. Тирноқларимиз
орқали танамиздаги баъзи
касалликларни аниқлаш
имкони бор экан, демек
тирноқларимизга бўлган эъти-
борни ҳам кучайтироғимиз
лозим.

**Василабону
ҲАБИБУЛЛАЕВА**

Oila va jamiyat
Ижтимоий-
сиёсий,
маънавий-
маърифий
газета

Обуна индекси – 176

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси,
“Болалар ва оилаларни қўллаб-
қувватлаш” ассоциацияси
(Болалар жамғармаси) ва
“Соғлом авлод учун” халқаро
хайрия фонди

Бош муҳаррир: Воҳид ЛУҚМОНОВ

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент – 100000.
Амир Темир кўчаси
1-тор кўча, 2-уй.
Қабулхона: (факс) 233-28-20,
Котибият: 233-04-35, 234-76-08
E-mail: oilavajamiyat@mail.ru
Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот
ва ахборот агентлигида 0169 рақами билан рўйхатга
олинган. Буюртма Г – 336. Формати А-3, ҳажми 3 табоқ.
Адади – 5469. Баҳоиси келишилган нархда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00
Навбатчи: М. Тожмаматова
Мусахҳихчи: С. Сайдалимов
Саҳифаловчи: А. Маликов
Газета таҳририят компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.
ISSN 2010-7609
9 772010 760007
1 2 3 4 5